Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 27 январь, пайшанба   № 23—24 (21.628).   Сотувда эркин нархда.

АЛОҚАЛАР ЯНГИЧА АСОСДА РИВОЖЛАНАДИ

ТОШКЕНТДА САНОАТЧИЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ, ШУНИНГДЕК, ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ДИРЕКТОРЛИК КОРПУСИ ВАКИЛЛАРИ УЧРАШУВИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ

СУРАТДА: матбуот конференцияси пайти.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси мувофиқлаштирувчи раиси Аркадий Вольский бу икки муҳим воқеа якунлари бўйича матбуот конференцияси ўтказдилар.

— Конгресс кенгаши йиғилишининг барча иштирокчилари номидан бизни яхши кутиб олгани ва самарали ишлашимиз учун зарур шароит яратиб бергани учун республика раҳбариятига чуқур миннатдорчилик билдираман, — деди А. Вольский. — Ўзбекистон пойтахтида собиқ Иттифоқ республикалари вакилларигина эмас, Шарқий Европа мамлакатлари вакиллари ҳам тўпландилар. Бу учрашув конгрессимиз бозор тизимига самарали равишда ўтишга кўмаклаша олишидан, мураккаб масалаларни ҳал этишга қодирлигидан далолат беради. Диққатингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Ўзбекистон МДҲ давлатлари ичида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишини тўхтатишга эришган ягона мамлакатдир. Республиканинг бу тажрибаси чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишга лойиқ.

Ислом Каримов бўлиб ўтган учрашувларнинг муҳимлигини қайд қилар экан, ҳаётнинг ўзи ва сиёсий иқтисодий вазият ўзаро фойдали ҳамкорликка сифат жиҳатидан янгича ёндошув зарурлигини тақозо қилаётганига йиғилганлар эътиборини қаратди. Биронта давлат ҳам бундай ҳамкорликсиз олдинга қадам ташлай олмайди. Бироқ Ўзбекистонда кейинги йилларда юз берган жиддий ўзгаришлар, вужудга келган вазият бизнинг олдимизга янги талаблар қўймоқда.

— Биз ҳамкорлик тарафдоримиз, — деди И. Каримов. — Бироқ ҳамкорликда бирон-бир томоннинг зуғуми кетмайди. Ўзбекистон катта иқтисодий салоҳиятга эга. Гарчи биз ҳам анча оғир ҳолатларни бошдан кечирган бўлсакда, республикадаги аҳвол ҳамдўстликдаги бошқа давлатлардагидан яхши. Аммо бу энди хотиржам бўлсак арзийди, деган гап эмас. Фаолиятимизни янада кучайтиришимиз, хўжалик юритишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтишимиз лозим. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жадаллашмоқда, хусусий мулкчилик ҳам ҳаётга қонуний йўлланма олди. Энди тафаккури ўзгарган халқнинг ўзи олдинги тизимга хос бўлган тенглаштириш ақидаларини қабул қилолмайди. Лекин битта қобиққа ўралиб қолиш ҳам мумкин эмас. Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун ҳамкорлик қилишга тайёр барча мамлакатлар билан, хусусан, Россия билан самарали ҳамкорлик қилиш зарур. Тарих тақозосига кўра, биз узоқ йиллардан бери қўшничилик ришталари билан боғланганмиз. Ўзбекистон ўзининг келажагини ҳам Россиясиз тасаввур қилолмайди. Бизнинг ўзаро яқинлашувга интилишимиз фақат иқтисодиёт соҳасидагина эмас, маънавият соҳасида ҳам анча фаоллиги барчага аён. Бу ўринда ҳам муайян бирлаштирувчи кучга эга бўлган саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг аҳамияти каттадир.

Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгрессининг иқтисодий дастури ва унинг иқтисодий ислоҳотларга таъсири ҳақида журналистлар берган саволга жавобан Аркадий Вольский бундай деди:

— Биз бозор иқтисодиётига «фалаж қилиб даволаш» йўли билан ўтиш дастурига қатъиян қарши эдик. Россия учун бу йўл тўғри келмайди! Шунинг учун ҳам мен Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришларни алоҳида эътибор билан кузатиб боряпман. Бу ерда бозорга киришнинг аниқ, ижтимоий йўналишга эга бўлган йўли танланган. Кучли раҳбарлик ва оқилона ёндашув республикадаги сиёсий ва ижтимоий барқарорликнинг гаровидир. Россияда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланяпти. У ерда ҳам энди бозор иқтисодига сакрашларсиз ўтишни мўлжаллашмоқда. Бироқ ҳукумат буни англаб етиши учун бир неча йил керак бўлди.

Бироқ, бу дегани Россияда барча масала ҳал қилинди, деган гап эмас. Ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши давом этмоқда, корхоналар катта-катта солиқ тўлашга мажбур бўлишмоқда, транспорт ҳаражати уларни буткул қийнаб қўймоқда. Мана шулардан келиб чиқиб айтаманки, минтақавий бозорларни шакллантириш, миллатлараро тизимларни барпо қилиш пайти келди. Шундай қилсак, келажагимиз порлоқ бўлишига ишончим комил!

— **Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартномаси республиканинг МДҲдан узоқлашишини англатмайдими?**

— Йўқ, — деб қатъий жавоб берди Ислом Каримов. — Одамлар, товар, сармояларнинг эркин ҳаракатини назарда тутувчи иқтисодий макон — барча тараққий этган мамлакатларда қўлланиладиган ягона маърифий йўлдир. Яна шуни айтишим кераки, бу шартнома бошқа давлатлар учун ҳам очиқ. Биз тенглик, ўзаро манфаатга асосланган ҳамкорлик тарафдоримиз. Биз билан узоқ муддат ҳамкорлик қилишни истайдиган ҳалол, уддабурон саноатчи ва ишбилармонлар учун Ўзбекистоннинг дарвозалари ҳамиша очиқ. Ҳозир мамлакатимизда бешта йирик хорижий банк ваколатхонаси очилган. Лекин шуниси ажабланарлики, россиялик банкирлар Тошкентда ваколатхоналарини очишга шошилишмаяпти. Улар барча ўринлар банд бўлиб қолиши мумкинлигини ўйлашмаяпти, шекилли. Маълумки, бозорда йўқотилган ўринни қайтариб олиш қийин.

Журналистларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Президентининг охирги фармонига оид саволлар беришди. Ишбилармонлар олдида янги уфқлар очадиган бу фармонга биноан 1995 йил 1 июлга қадар республикага олиб келинаётган моллардан бож олинмайди. Бу ўта демократик фармон нега бу қадар кеч чиқди, уни олдинроқ чиқариш мумкин эмасмиди?

— Республика аҳолисининг кўпчилик қисми бир йил бурун ҳам бу ҳужжатни ҳозиргидай қабул қилмаган бўларди, — деди Ўзбекистон Президенти. — Одамларнинг фикри, дунёқарашини ўзгартириш учун вақт, маълум шарт-шароит керак. Ҳозир ана шундай пайт келди. Одамлар ўзларини мулк, бойлик эгаси деб ҳис қила бошлади. Ҳозир республикада савдо тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш кенг кўламда олиб борилмоқда. Навбатда барқарор ва фойда кўриб ишлаётган енгил саноат корхоналари турибди. Бу корхоналарнинг акцияларини Ўзбекистон фуқароларигина эмас, МДҲ мамлакатлари , шунингдек, хорижий давлатлар фуқаролари ҳам сотиб олиши мумкин. Мазкур фармон энди мустаҳкам ҳуқуқий база билан таъминланиши лозим. Ҳозир мутахассислар шу иш устида фаол ишлашмоқда.

И. Каримов ва А. Вольский Ўзбекистон билан Россия саноатчилари ҳамда ишбилармонлари ҳамкорлиги ҳақида гапиришар экан, корхоналар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ўзаро тўловлар йўлидаги мавжуд ғовларни ўртадан кўтариб ташлашнинг барча имкониятларини қидириб топиш борасидаги фикрлари бир жойдан чиқди. Ҳамкорликнинг бу босқичида клиринг усулидаги муносабатлар, рақобатга дош бера оладиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил этиш яхши самара бериши мумкин. Кўриниб турибдики, иккала мамлакат ҳам моддий ишлаб чиқаришнинг барча соҳасида кенг ҳамкорлик қилсагина муддаога эришади!

Ислом Каримов ва Аркадий Вольский журналистларнинг бошқа саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

Л. ЛЕВИН,
П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбирлари.

ЯКДИЛЛИККА ЭРИШИЛДИ

Ўзбекистон ва Россия давлатлари директорлик корпуслари вакилларининг учрашуви Ўзбекистон Республикаси ишбилармонлар уюшмаси билан Россия Федерацияси саноатчилар ва ишбилармонлар уюшмаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ҳақидаги шартномани имзолаш билан якунланди.

Шартномани Ўзбекистон томонидан республика ишбилармонлари уюшмаси президенти Эркин Хўжаев, Россия томонидан эса саноатчилар ва ишбилармонлар уюшмаси президенти Аркадий Вольский имзоладилар.

Ўзбекистон ва Россия директорлик корпуслари раҳбарларининг учрашувида баёнот қабул қилинди. Унда саноатчилар мустақил давлатлар ҳукуматларини ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашишга чақирдилар.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгаши йиғилишида сўзлаган нутқи

Муҳтарам Аркадий Иванович!

Ҳурматли меҳмонлар!

Ўзбекистон ҳукумати номидан мазкур анжуманнинг барча иштирокчиларини, саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси, саноатчилар ва ишбилармонлар минтақавий бирлашмалари намояндаларини, директорлик корпуси раҳбарлари ва вакилларини қизғин табриклашга ижозат бергайсиз.

Бу ерда ҳозир бўлган Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия саноатчилар уюшмалари вакилларини алоҳида мамнуният билан қутлайман. Бу анжуманнинг муҳимлиги ва уни ўтказиш заруриятини ҳис қилган ҳамда унда иштирок этишга розилик билдирган меҳмонларимизга ташаккур изҳор этаман.

Аркадий Иванович, биз — ўзбекистонликлар сиз бошқараётган ҳамда фаолияти иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга, бозор ислоҳотларининг ўйланган ва доно сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган ишбилармон кишилар ҳаракатини юксак қадрлаймиз. Халқаро конгресснинг хўжалик фаолияти муайян жараёнларини ҳис қилишни асос қилиб олган барча илғор кучлар билан ҳамкорликка интилиши бизга айниқса маъқул.

Мен сизнинг саноатчилар ва ишбилармонлар— жамиятнинг «ўйин қоидалари»ни тезроқ тартибга солиш заруриятини ҳис қилган тоифасидир, деган фикрингизга қўшиламан. Бу қоидалар бизнинг Евроосиё иқтисодий маконимизда ҳам амал қилиши лозим.

Европа ва Осиё мамлакатлари саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро кенгаши йиғилишини ўтказиш учун Тошкентнинг танланиши менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Тарихнинг ўзи Ўзбекистоннинг ўрнини Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган Евроосиё йўллари чорраҳасида белгилаган. Бизнинг республикамиз Евроосиё иқтисодий ва маданий кўприги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар ва маданий қадриятларнинг ҳаракати ва алмашуви учун яхши шароит яратилади.

Қачонлардир ягона бўлган молия ва пул-кредит тизимининг барбод бўлиши, мавжуд хўжалик алоқаларининг узилиши ҳамда пулнинг қадрсизланиши туфайли бундан икки йил бурун Ўзбекистон оғир моддий аҳволга тушиб қолган эди. Бу вазият бизнинг олдимизга иккита мураккаб вазифани қўйди: бир томондан бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича теран ислоҳотларни амалга ошириш, иккинчи томондан эса, иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳоли турмуш шароитининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик зарурати пайдо бўлди.

Бундай шароитда ўтган йиллар қолдирган оғир меросдан қутилиш, иқтисодиётни ҳамма томонлама қайта ташкил этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиш учун халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган ҳаёти, турмуш тарзи, тарихий ва миллий ўзига хослигига асосланиб, шунингдек, бундай машаққатли йўлни босиб ўтган мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиб, биз тараққиётнинг ўзимизга хос йўлини танладик. Бу йўл беш принципга асосланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак.

Мамлакатнинг ички иқтисодий сиёсати ҳам, ташқи иқтисодий алоқалари ҳам ҳар қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай халос бўлмоғи лозим;

2. Давлат иқтисодий ислоҳотларнинг ташаббускори ва уларни ҳаётга татбиқ этадиган асосий кучдир.

Давлат иқтисодиётдаги стратегик устивор йўналишларни танлашга, ҳуқуқий асосни шакллантиришга масъул бўлиб, тадбиркорлик тизимларини барпо этиш ва ривожлантиришга ҳамда давлат бошқаруви тизимларини, кредит, солиқ ва валюта сиёсатини мукаммаллаштиришга, сармояларни жалб этиш учун шароит яратиш ва аҳолини ислоҳотларга тайёрлашга масъулдир;

3. Ижтимоий ҳаётдаги барча соҳаларда қонуннинг устунлиги.

Бу тамойил республиканинг барча фуқаролари ва юридик шахсларига ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришда тенг ҳуқуқлар яратиб берилишини билдиради;

4. Аҳолининг, айниқса унинг ижтимоий ночор қисмини, ногиронлар, болалар ва серфарзанд оилаларни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юргизиш.

Давлат ўз аҳолисини, айниқса машаққатли ўтиш даврида муҳофаза қила олсагина, у инсонпарвар давлат ҳисобланади;

5. Бозорга босқичма-босқич ўтиш.

Мавжуд иқтисодий вазият, мамлакатнинг демографик ўзига хослиги, оилаларнинг кўпчилик қис-

(Давоми 2-бетда).

Янги мелодий йил бошланиши муносабати билан Республикамиз Президенти Ислом Каримов номига турли мамлакатлар раҳбарларидан қутловлар ҳамон келиб турибди. Яқинда АҚШ Президенти Билл Клинтон ва унинг рафиқаси номидан қуйидаги табрикнома олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Биз оиламиз номидан Сизга ва Сизнинг оилангизга байрамона кайфият тилаймиз. Янги йил Сизларга саломатлик, бахт-саодат ва тинчлик келтирсин.

Билл КЛИНТОН,
Хилари КЛИНТОН.



Our family
wishes you and yours
a joyful holiday season
and a new year
blessed with health, happiness,
and peace.

Bill Clinton
Hillary Rodham Clinton

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. Қ. ГАТАУЛИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шамиль Қодирович Гатаулин Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т. Қ. ҚУРБОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, республика телевидениесини ривожлантиришдаги хизматлари ҳамда жамоат турмушида фаол қатнашгани учун Қурбонов Тўлқин Қурбонович Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. Р. ҒОФУРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Шуҳрат Рашидович Ғофуров бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг раиси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т. М. МИРЁҚУБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тўлқин Мирҳолиқович Мирёқубов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В. А. ЧЖЕННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Виктор Анатольевич Чжен Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 январь.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мидаги паст турмуш шароити бозорга ўтиш даврида «фалаж қилиб даволаш» усули республикамиз учун мос келмаслигини кўрсатади. Ташкилий, иқтисодий, молия-кредит тизимларини ўзгартириш, мос келадиган ҳуқуқий асосни, бозор муносабатларини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш учун вақт керак. Зарур шароитларни яратмасдан, одамларни жиддий ўзгаришларга тайёрламай туриб, уларга бозор муносабатларини тиқиштирмоқ кутилган натижаларни бермаслигидан ташқари, бозор иқтисодиёти ғоясининг ўзини обрўсизлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Халқимизнинг «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузиш керак эмас», деган доно мақоли шу ўринда жуда қўл келади.

Бозорга ўз йўли билан ўтаётган Ўзбекистоннинг нимаси бор эди? Ўзбекистон бой табиий — иқтисодий ва минерал — хомашё ресурсига эга экани сизга маълум бўлса керак, албатта. Аниқланган 750 турдаги минерал ресурслар захиралари қийматини мутахассислар тахминан 3 триллион доллар, деб белгилади. Мис, кумуш, қўрғошин, рух, вольфрам, табиий газ ва бошқа бир қанча фойдали қазилмалар захиралари бўйича мамлакатимиз дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон жаҳонда олтин қазиб олиш бўйича еттинчи ўринда, олтин захираси бўйича эса бешинчи ўринда туради.

Республика иқтисодиётида рангли металларни қазиб олиш ҳам асосий ўрин тутади, шунингдек республика ноёб металлар ва стратегик материалларнинг аниқланган катта салоҳиятига эга.

Республика табиий газ, кўмир, нефть каби ёнилғи-энергетика ҳамда сув ресурсларига бой. Газнигина эмас, нефтни ҳам экспорт қиладиган кун яқин эканига ишончимиз комил.

Ўзбекистон яхши табиий шароитга эга. Бизнинг бир йилимиз уч минг қуёшли соатдан иборат бўлади. Бундай шароит йилига бир ярим миллион тоннагача пахта толаси ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Марказий Осиёда қора металлар, оғир самолётлар, двигателлар, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарадиган ягона республикадир. Бизда йирик кимё корхоналари бор. Биз уларнинг фаолиятини замонавий заҳарсиз ўғит ва пестицидлар, бўёқ моддалари, кимёвий толалар, тиббий дори-дармон, пластмассалар ишлаб чиқаришга йўналтирмоқчимиз.

Кадрларимизнинг юксак илм-зиё салоҳияти, ҳаётимизда ёшларнинг тутган салмоқли ўрни иқтисодиётимизни янги кучлар билан таъминлашнинг келажагига катта умид билан қарашимизга асос беради.

22 миллион аҳоли (шунинг ярми 18 ёшгача бўлганлар) яшайдиган, ноёб табиий шароитда ўрнашган, энергетика ресурслари ва қазилма бойликларга, бой минерал захираларга эга бўлган Ўзбекистон энг жўшқин ривожланаётган ёш мустақил давлатлардан биридир.

Шу жиҳатдан қараганда ўтган 1993 йил бурилиш даври бўлди. Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиши қоидалари ва шаклларини тўғри белгилаш, бозор муносабатларини аста-секин шакллантириш туфайли Ўзбекистон ўтган йили иқтисодий кўрсаткичлар таназзулини тўхтатди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши эса муайян даражада ўсишига эришди.

1993 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1992 йилга нисбатан 4,1 фоиз, шу жумладан ёқилғи саноатида 12 фоиз, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоқларида 8 фоиз, енгил саноатда 7,5 фоиз юқори бўлди.

4 миллион 200 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланди, катта ҳажмда қимматли металлар, мис, қўрғошин, рух ва бошқа кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ҳозир республикада ислоҳотни амалга ошириш дастури мавжуд бўлиб, уни қандай ўтказишни етарли даражада аниқ тасаввур қиламиз. Бизнинг ички сиёсатимиз инқилобий ларзаларсиз ва халқнинг оммавий равишда қашшоқланишига йўл қўймайдиган, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, аста-секин ўтишга қаратилган.

Биз учун ислоҳотнинг ўзи мақсад эмас, балки аҳоли кенг табақаларини мулкка чинакам дахлдор қилиш, эгалик туйғусини қайта тиклаш ва шу асосда ташаббускорлик ва ишбилармонлик учун шарт-шароит яратиш воситасидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бозор муносабатларига кенг йўл очиб беради, эркин ишбилармонликни қўллаб-қувватлайди. Давлатнинг хўжалик фаолиятига аралашишга, монополия ҳуқуқи олдига ғов солади. Асосий Қонунимизда хусусий мулк давлат муҳофазасида экани таъкидланган.

Хуллас ўз мулкини ўзи тасарруф этадиган кишилар ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг таянчи бўлиб қолиши лозим.

Жаҳон тажрибаси ҳеч қаерда жамиятнинг янги моделга ўтиши осон ва силлиқ кечмаганини кўрсатиб турибди. Бу мураккаб ишда кўр-кўрона андоза олишга, эскичасига ёндашишга йўл қўйиб бўлмайди.

Марказлаштирилган маъмурий — буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш хўжалик юритишнинг эски усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканини биз бир неча бор таъкидладик. Бу ҳаёт фалсафаси одамлар учун мутлақо янгидир.

Шу сабабларга кўра бозор иқтисодиётига бирданига ўтиш мумкин эмас, янги муносабатларга ўтиш учун бир қанча изчил босқичлардан иборат узоқ тадрижий давр талаб қилинди.

Иқтисодий ислоҳот аста-секин, қадам-бақадам бозор муносабатлари тизимининг ҳақиқий механизмларини вужудга келтириши керак. Бу механизмлар бирданига ишга тушмайди, улар такомиллашади, аста-секин изга тушади. Ҳар қандай сохта инқилобий қарорлар кутилган натижаларни бермайдигина эмас, аксинча, бозор иқтисодиётини барпо этиш ғоясининг ўзини бадном қилиб қўяди.

Ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказишни биз ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолишнинг зарур шарти деб биламиз. Лекин шуниси ҳам тўғрики, ўз навбатида барқарор вазият ҳам ислоҳотни пухта ўйлаб, сиёсий мулоҳазалар билан воқеаларнинг кечишини сунъий равишда тезлаштирмай ўтказишга асос бўлади.

Бундай ёндашув республикага танлаб олинган янгиланиш ва тараққиёт йўлидан дадил боришга, ислоҳотларнинг ҳар босқичида етилган вазифаларни изчиллик билан ҳал қилишга имкон беради.

Кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, мулкчилик шакллари хилма-хиллигини таъминлаш бозор муносабатларига ўтишнинг негизидир. 1994 йилнинг бошланишида республикада 54 мингга яқин корхона давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Бу ислоҳот бошланган тармоқлардаги иншоотларнинг қарийб 80 фоизини ташкил этади.

Ҳосил қилинган миллий даромадда давлат тасарруфида бўлмаган тармоқларнинг улуши деярли 40 фоизни ташкил этади.

Уй-жойларни хусусийлаштириш амалда ниҳоясига етди, савдо, маҳаллий саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида «кичик хусусийлаштириш» тугай деб қолди. Саноат, қурилиш мажмуи, нақлиёт, деҳқончилик-саноат мажмуининг гўшт-сут, озиқ-овқат, пахта тозалаш тармоқларидаги йирик корхоналарни акциялаштириш иши авж олиб кетди.

Ўзбекистон учун асосий тармоқ ҳисобланган деҳқончилик соҳасида ўзгартишлар фаол амалга оширилмоқда. Шахсий хўжаликларни ривожлантириш учун аҳолига қўшимча равишда ер ажратиб берилди, ишлаб чиқаришнинг коллектив шакллари тикланмоқда, деҳқон (фермер) хўжаликлари, ижарачи оилавий жамоаларга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Ҳозирги вақтда етиштирилаётган сутнинг деярли тўртдан уч қисмини, гўштнинг салкам 70 фоизини, картошканинг 40 фоиздан кўпроғини, мева-сабзавотнинг ярмидан кўпроғини давлат тасарруфида бўлмаган тармоқлар бермоқда.

Сармоя мажмуида ҳам муҳим ўзгаришлар бўляпти. Сармоя солишнинг бозор муносабатларига мос келадиган тузилмаси вужудга келмоқда. Халқ хўжалигига сармоя ажратишда бюджет маблағларининг улуши кескин камайди.

Айни пайтда республикамизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, сув хўжалиги қурилиши, олтин қазиб чиқариш, қисман нефть саноати, шунингдек бир қанча ижтимоий иншоотларни бюджетдан пул билан таъминлашнинг салмоқли ҳиссаси сақлаб қолинмоқда.

Жуда қаттиқ молия — кредит ва пул сиёсатига ўтишни пул қадрсизланишини жиловлаш йўли деб биламиз. Бироқ, бизнинг фикримизча, кредит ва фойда олиш сиёсати ишлаб чиқаришнинг камайишига, айниқса рақобатбардошли, истиқболли ишлаб чиқаришнинг камайиб кетишига ва оборот маблағининг қисқаришига эмас, балки моддий ишлаб чиқаришга кредит сарфлаш учун эҳтиёжнинг кўпайишига ва пировард натижада меъёрий қайта ишлаб чиқариш жараёнига олиб бориши керак.

Давлат ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга мадад бермоқда. Республикада ишбилармонликни ривожлантириш, кичик ва ўртача бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармалари тузилган. Қишлоқ фермерларига пул қарз бериш учун «Тадбиркор» банки тузилган. Бозор муносабатларининг ёрдамчи тармоқлари вужудга келмоқда, монополияга қарши ишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини вужудга келтириш давом этмоқда.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиш чоғида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар мустақиллигининг анча кенгайиши таъминланмоқда. Давлат буюртмаси ҳажми анча қисқарди, маҳсулотларнинг асосий қисми эркин шартнома нархлари билан сотилмоқда.

Ҳозир моддий ишлаб чиқариш соҳасида бирорта ҳам вазирлик йўқ.

Куни кеча республикада қабул қилинган Фармонда иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш кўзда тутилган. Жумладан, ижозатнома олиш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини анча камайтириш, давлат эҳтиёжлари учун буюртмаларни қисқартириш, улгуржи ярмаркалар ва маҳсулот — хомашё биржалари мавқеини ошириш, очиқ турдаги акциядорлар жамиятларини кенг барпо этиш, умри тугаган бошқарув тузилмаларини тугатиш ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бизда айниқса сўнгги вақтда замонавий солиқ ва банк тизимларини барпо этиш, қаттиқ молиявий ва кредит-пул сиёсатини ўтказиш соҳасида жиддий қадамлар қўйилди. Бу сиёсат пулнинг қадрсизланишини тўхтатишга қаратилган. Биз ўз пул бирлигимизни барқарорлаштириш ва миллий валютага ўтиш йўлида дастлабки қадамларни қўйяпмиз.

Шу билан бир вақтда катта иқтисодиётни бошқаришнинг мўнитар усуллари имкониятларига умид қилмаймиз. Биз ислоҳотнинг «фалаж қилиб даволаш» усулларидан воз кечиб, молия-пул тизимини барқарорлаштиришни ишлаб чиқариш ва халқ турмуши даражасини ошириш билан қўшиб олиб бориш йўлини тутганмиз.

Бундай пухта ўйлаб ёндашув айрим мамлакатлардан фарқли равишда, ҳукумат билан саноат — ишбилармонлар доиралари тутган йўлларнинг ўхшаш бўлишига эришиш имконини берди. Уларнинг ўртасидаги сиёсий курашни эмас, балки самарали ҳамкорликни таъминлади, давлат ташкилотлари ҳаракатлари қуйидан бошланган ташаббус билан мустаҳкамланди.

Кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш биз учун ислоҳотларнинг ҳамма босқичларида устун йўналиш, ислоҳотлар муқаррарлигининг гарови бўлди. Аслида мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги воситалари вужудга келтирилди, у бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг эҳтиёжманд табақаларига аниқ-равшан мадад бериб боришга қаратилган.

Бу сиёсат иш ҳақи ва пенсиянинг кафолатли энг кам миқдорида, энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланган миқдорда таъминлаб туришни ташкил этишда, компенсация тўловлари ва бошқа чораларда ўз ифодасини топди.

1 январдан бошлаб бизда иш ҳақининг энг кам миқдори 30 минг, меҳнат пенсиясининг миқдори 32/5 минг сўм-купонни ташкил этади. Ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар орасида бу энг юқори кўрсаткичдир.

Ўзбекистонда ташқи муносабатларнинг очиқ бўлиши тамойили қабул қилинган, бу ҳам иқтисодиёт ички таркибини қайта қуриш талабларига мос келади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг бошланғич давридаёқ кўпгина нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида ишлаб чиқилган бир қанча катта лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сайёрамиздаги Жаҳон банки, Дойч банки, «Креди коммерсиаль де франс» банки каби катта-катта банклар Тошкентда ваколатхоналарини очган. Республика бугунги кунда 70 дан ортиқ хорижий банклар билан алоқа ўрнатган.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти кўпайиб, ҳозир деярли 1,7 миллиард долларни ташкил этади. 50 дан ортиқ мамлакат фирмалари ва компаниялари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилган.

Республикада хорижий сармоя иштирокидаги 900 дан ортиқ корхона рўйхатга олинган. Ўзбекистонда сармоя сарфлаш билан боғлиқ истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда машҳур хорижий компаниялар ва фирмалар фаол иштирок этмоқда. Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Голландия, Австрия, Корея Республикаси, Хитой, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон билан сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланган.

Биз жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўяр эканмиз, ўзимиз учун янги бозорларни очар эканмиз, айни пайтда собиқ Иттифоқдаги анъанавий шерикларимиз билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Тенг ҳуқуқли савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш, четга маҳсулот чиқариш ва четдан маҳсулот келтириш,янги бозорларни ўзлаштиришга доир фаол ишимиз импорт ва экспорт нисбатини тубдан ўзгартиришга имкон берди. Агар 1990—1992 йилларда собиқ Иттифоқ республикалари билан савдо-сотиқда нисбат биз учун салбий бўлиб, мамлакатимизга ташқарига чиқарилганидан кўра кўпроқ маҳсулот келтирган бўлсак, ўтган йили четга чиқарилган маҳсулотнинг келтирилган маҳсулотдан жорий нархларда 300 миллиард сўм кўп бўлиши таъминланди, яъни савдо баланси биз учун ижобий бўлди.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикаларининг кўпёқлама негиздаги ҳамкорлигини ривожлантиришга катта аҳамият бериб, аввалбошданоқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Биз Ҳамдўстлик имкониятларидан ҳали тўла фойдаланганимиз йўқ, деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартнома бу хусусда яхши истиқболлар очади. Ҳозирги вақтда бу шартнома қоидаларини амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш вазифаси турибди.

Биз МДҲ таркибида ҳамкорлик қилиш билан бир вақтда Марказий Осиё минтақаси доирасида иқтисодиётни бирлаштириш жараёнларига катта аҳамият берамиз. Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси билан муносабатларимизда бу йўлда анча илгарилаб кетдик.

Гап ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, божхона тўсиқларини олиб ташлаш, ўзаро келишилган кредит, солиқ ва нарх сиёсатини ўтказиш тўғрисида, хуллас, самарали ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида бормоқда. Қозоғистон ва Қирғизистон билан тузилган, мазкур туб чора-тадбирларни кўзда тутадиган шартнома тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдан, ўз иқтисодиётини барқарорлаштиришдан чинакам манфаатдор бўлган ҳамма давлатлар учун очиқ.

Бизнинг ҳамма муаммоларимиз ҳал бўлмаган, албатта, биз жуда қийин даврда яшаяпмиз. Бундан олдинги ўн йилликлар давомида республика иқтисодиёти жуда кўп хилдаги маҳсулотларни ва истеъмол молларини четдан келтиришга қарам бўлиб қолган.

Хўжалик алоқаларининг узилиши, айрим доираларнинг рубл зонасини парчалаб ташлаш юзасидан қилган бир томонлама ҳаракатлари муносабати билан тўловлар муаммосининг кескин тус олиши кўпгина корхоналаримиз аҳволига ва умуман иқтисодиётга салбий таъсир қилмоқда. Кўпларингиз шундай мушкулотга, эҳтимолки, бундан ҳам оғир қийинчиликларга дуч келаётганингизга аминман.

Ҳозир саноатчилар ва ишбилармонлар ҳамкорлигини чуқурлаштиришнинг бир қанча йўналишларини, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, танглик ҳолатларини бартараф этишга, халқ хўжалигини ривожлантиришда барқарорликка эришишга имкон берадиган ислоҳотчи давлат тузилмаларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мисол учун ёнилғи — энергия мажмуи ривожига минтақалараро ўзаро таъсир масалаларини олиб кўрайлик. Россияда нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш камайиши муносабати билан бу масала ҳар қандай мамлакатда устивор аҳамият касб этади.

Биз ҳамкорлигимиз йўналишини биргаликда лойиҳалаш, сармоя солиш, қурилиш, энергия объектларидан фойдаланиш, жиҳозларни ишлаб чиқариш ва улар билан таъминлаш, ёнилғи ва энергия етказиб бериш, кадрлар тайёрлашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда кўрамиз. Бу муаммо барчамиз учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Анъанавий алоқалар узилиши ва тўловлар ўтишидаги қийинчиликларга қарамай, бизнинг машинасозлик корхоналаримиз собиқ иттифоқ республикалари, Шарқий Европа мамлакатлари ва бошқа давлатлар билан қўшма корхоналар тузишга майл билдирмоқда.

Бугунги кунда республикада Қозоғистон, Украина, Россия билан ҳамкорликда уй-рўзғор техникаси учун электродвигателлар, кўприк кранлари, экскаваторлар, эмал ўтказгичлар, олмос асбоблари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 16 та корхона ташкил этиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг авиасозлик бирлашмамиз ҳамда Россия ва Украинанинг ана шундай фирмалари иштирокида давлатлараро авиасозлик корпорацияси ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги пайтда Россия, Беларус, Қозоғистон ҳудудларида айирбош хомашё эвазига Ўзбекистонга етказиб бериладиган тақчил моллар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил этиляпти. Илгари бу маҳсулотларнинг кўпчилигини республикамиз эркин муомаладаги валютага сотиб олар эди.

Бизнинг металлургия мажмуимизда, кимё саноатимиз ва бошқа соҳаларда ҳам кооперация ва қўшма сармоядорлик фаолияти учун кенг имкониятлар мавжуд.

Ҳозирги шароитда илгари иттифоқ бўйича меҳнатни тақсимлаш тамойили асосида бунёд бўлган барча хўжалик алоқаларини бутунлай қайта тиклаш масаласини ўртага қўйиш унчалик тўғри бўлмайди, албатта.

Бугунги кунда гап ўзаро фойдали соҳаларда шерикчиликни сақлаб қолиш, ҳар бир давлатнинг иқтисодиётини барқарор қилиш жараёнини енгиллаштирибгина қолмасдан, бу иқтисодиётни жаҳон бозори ўртага қўяётган талаблар асосида қайта қуришга ёрдам берадиган янги алоқалар ўрнатиш ҳақида бормоғи керак.

Бу ўринда бозор муносабатлари ривожланганн сари товар ишлаб чиқарувчилар учун буйруқбозлик иқтисодиётига хос бўлган таъминот масаласи эмас, маҳсулотни сотиш масаласи муҳимроқ аҳамият касб этишини эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Шу жиҳатдан муҳим омилларнинг бири — бозорнинг ҳудудий торайишига ёки майда-майда бўлакларга бўлинишига, хусусан Россияда маҳаллий бозорчаларга бўлиниб кетишига йўл қўймасликдан иборат. Анъанавий шериклари олиб чиқиб кетишга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришини камайтираётган корхоналар узоқни кўрмасдан иш тутаяпти. Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ қийинчиликлар бозор жуғрофиясини кенгайтиришга барибир мажбур қилади. У пайтда ўзгалар ташлаб кетган бозорни забт этишга тўғри келади. Бу эса жуда мураккаб ишдир.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг очиқлиги даражаси ошиб бориши билан кучли хорижий рақобатчиларнинг пайдо бўлиши кўпгина корхоналар учун ўзларининг анъанавий бозорларини йўқотишга олиб келиши мумкин. Бу ўринда танланиши лозим бўлган энг муҳим йўл — маҳсулот сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришда хатоларга йўл қўймасликдан иборат бўлиши керак. Бу эса янги технологияларни жорий этишни, сармоядорлик фаолиятини янада жонлантиришни тақозо қилади.

Бу муаммо бағоят жиддий бўлиб, сиз бу хусусда жиддий муҳокама юритасиз ва тажриба алмашасиз, деб ўйлайман.

Учинчидан, шу пайтгача кўпгина корхоналар бозор муносабатларига ўтишни энг аввало нархни ошириш деб тушунди. Бироқ бозорда сифатли хорижий моллар пайдо бўлаётган пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни нархни туширишгина қутқариб қолиши мумкин. Бунга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак.

Ҳам саноатчилар ва ишбилармонлар ҳам давлат тузилмаларининг биргаликдаги ҳаракатларини талаб қиладиган энг қийин муаммолар орасида тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимида тартиб ўрнатиш муаммоси ҳам бор. Тўловлар танглигининг сабаблари кўп. Ҳамма корхоналар самарадорлиги даражасидан қатъий назар, молиявий қийинчиликларга ва пул айланишининг кескин секинлашиб кетишига дуч келди.

Рубл зонаси барбод бўлгач, ўзаро ҳисоб-китоб муаммоси жуда кескин тус олди. Мен миллий валютани жорий этиш иқтисодиёт учун, умуман ижтимоий турмуш учун аҳамияти жиҳатидан инқилобга тенгдир, деб бир неча бор айтган эдим. Бу — шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайдиган, узоқ ва пухта тайёргарликни талаб қиладиган мураккаб жараёндир.

Ўзбекистон янги тусдаги рубл зонасига тенг ҳуқуқли шароитда, барқарор иқтисодий аҳволимизга муносиб равишда кириш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилди. Бизни сунъий равишда миллий валютани муомалага киритишга мажбур этишди.

Эндиликда янги воқеликка асосланиш керак. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш муаммосини ҳал этишнинг асосий йўли — тўлов иттифоқини тузишдир, шу иттифоқ доирасида миллий валюталар холисона баҳоланиши ва ўзаро тўловлар амалга оширилиши мумкин бўлур эди.

Ваколатли банкларнинг корреспондентлик ҳисоб варақалари орқали ҳисоб-китоб қилиш билан бирга бу муаммони бартараф этишда МДҲ давлатлари бошлиқлари қарорига мувофиқ тузилган давлатлараро банк тағин ҳам фаолроқ иш қилиши лозим.

Ҳисоб-китоб қилишнинг халқаро қоидаларига ўтиш Шарқий Европа мамлакатларидаги бир вақтлар мавжуд бўлган кенг алоқаларимизни анча қисқартириб юборди. 1990 йилда Ўзбекистон экспортида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг улуши салкам 60 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда 8 фоиздан ҳам камроқ.

Хўжалик алоқалари йўналишларининг ўзгартирилиши маълум даражада ҳар қандай мустақил мамлакат учун табиий ҳисобланган изланиш — хомашё ва машина-ускуналарни етказиб берувчиларни, маҳсулотни сотиш учун бозорни излаш билан боғлиқ.

Бироқ иқтисодиётимиз бир-бирига мураккаб даражада қарамлигини менсимай, ишончли ва ҳалол ҳамкорлардан воз кечиш хато бўлур эди. Биз Чехиядан транспорт воситаларини, Венгриядан дори-дармон ва озиқ-овқат, Хитойдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турларини сотиб олишдан воз кечмоқчи эмасмиз.

Бундан ташқари ташқи савдо билан бирга сармоя соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг негизи бўлиши керак. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг ғоят хилма-хил тармоқларида: автомобилсозлик ва кимё, қурилиш ва рангли металлургия, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳасида Хитой, Болгария, Венгрия, Польша, Чехия, Словакия билан барпо этилган қўшма корхоналар ишлаб турибди. Ўтган йили улар 6,5 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

Чехия саноат ва савдо вазири жаноб Владимир Длоугининг Ўзбекистонга яқинда қилган сафари муваффақиятли бўлди. Тошкентда жойлашган ХХР ва Чехия Республикаси савдо ташкилотлари икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга фаол кўмаклашмоқда.

Иқтисодий ислоҳотнинг ҳозирги босқичи ташқи иқтисодий алоқаларга анча эркин тус бериш билан боғлиқ. Республикага келтириладиган ҳамма турдаги моллардан бож олишни бекор қилиш ва экспортдан олинадиган божни камайтириш, республикадан ташқарига олиб кетиладиган маҳсулотга ижозатнома олишнинг танлов тартибини жорий этиш кўзда тутилмоқда, ички ва хорижий сармояларни суғурта қиладиган давлат компанияси тузилмоқда, унга Ўзбекистон давлат хазинаси бойликларининг бир қисми берилади.

Буларнинг ҳаммаси ҳамкорлигимизни кенгайтириш, таназзул жараёнларини бартараф этиш муаммоларини биргаликда ҳал қилиш учун яхши асос яратади.

Қадрли дўстлар!

Вакиллари бу ерда иштирок этаётган ҳар бир мамлакатнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган ана шу мураккаб вазифаларнинг ечимини топишда саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси ғоят фаоллик билан иштирок этиши мумкин. Бу турли давлатлардаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш орқали ҳам, шу давлатлар ҳукуматлари билан алоқаларнинг йўналишлари ва шаклларини ишлаб чиқиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни сиёсий ва мафкуравий мақсадлардан холи қилишга, уларни тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, тижорат турмушидаги мустаҳкам алоқалар негизида қуришга қаратилган саъй-ҳаракатларда халқаро конгресс муҳим ўрин тутиши, ишбилармонлик тузилмаларининг самарали фаолияти учун шароит яратиши мумкин.

Саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг Тошкентдаги мажлиси ижодий вазиятда, самарали ўтади, бозор муносабатларини қарор топтириш йўлида турли мамлакатларда тўпланган тажрибаларни ўрганишда, иқтисодиётни барқарорлаштириш йўналишларини ишлаб чиқишда, инсон эҳтиёжларини кўзда тутадиган ишбилармонлик қоидаларини қарор топтиришда олға силжишга ёрдам беради, деб ишонаман.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР ДАВРАСИДА

● 27 ЯНВАРЬ КУНИ ДАВОСДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АНЖУМАН ИШ БОШЛАЙДИ

Швейцариянинг оппоқ қор билан қопланган тоғлари бағрида жойлашган Давос шаҳрида ҳар йили анъанавий жаҳон иқтисодий анжумани ўтказилади. Унда давлат бошлиқлари, сиёсатчилар, машҳур иқтисодчи ва жамиятшунос олимлар қатнашадилар.

Дунё миқёсида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш ишининг ташаббускори Клаус Шваб томонидан 1971 йилда ташкил этилган жаҳон иқтисодий анжумани шу вақтгача ўзининг 15 учрашувини ўтказди. Анжуман «соф иқтисодиёт» масалалари билангина чекланмайди. Дунё аҳамиятига молик сиёсий воқеаларни ҳам қамраб олади. Ўз олдига аниқ мақсадларни қўйиб, мавжуд муаммоларни муҳокама ва мунозара йўли билан ҳал этадиган, ривожланаётган давлатларга йўл-йўриқлар кўрсатадиган ва уларни қўллаб-қувватлайдиган нуфузли анжуманда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1992 йилдан буён икки марта иштирок этди.

Евроосиёдаги янги давлатлар энди ўз йўлини қандай белгилайди, қай йўсинда тараққий этади, деган муаммо дунёдаги ривожланган мамлакатлар сиёсатчиларини безовта қилиб турган бир пайтда, мамлакатимиз Президенти Давос анжуманидаги дастлабки иштирокидаёқ Ўзбекистоннинг аниқ режалари ва иқтисодий йўлини кўрсатиб бера олди. Маънавий-миллий қадриятларни тиклаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, шахс эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига кафолат бериш, ишбилармонликни ривожлантириш, иқтисодиётни мафкурадан холос этиш, жиддий ижтимоий ларзаларсиз бозор муносабатларига ўтиш каби сиёсий ҳамда иқтисодий тамойилларни санаб ўтди, хорижий сармояларни рағбатлантириш, янги банк-кредит тизимини вужудга келтириш, мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам ўз фикрларини баён қилди.

1993 йилдаги анжуман эса Ўзбекистон учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлларини, иқтисодий юксалиш истиқболларини белгилаб олиш имконини берди. Ўзбекистон раҳбари ўз маърузасида интеграция жараёнлари кучайиб бораётгани тўғрисида гапириб, минтақанинг қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мустақил давлатлари хомашё етказиб беришдан қисқа муддатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон анжуманнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланганидан буён орадан икки йил ўтди. Шу вақт мобайнида Президентимиз санаб ўтган муаммолар ўзининг қандай ечимини топди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ижобий самаралар бердими? Бунинг учун республикада шу даврда қилинган ишларга бир назар ташлаш кифоя. Сиёсий ва иқтисодий танглик ҳолатидан бозор иқтисодиётини шакллантириш босқичига қадам қўйилди. Маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш борасида ўн йилларга арзигулик ишлар қилинди. Миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, шахс эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари янги қабул қилинган олий қонун — Конституция билан кафолатланди.

Ўзбекистон жуда қисқа муддат ичида кўпгина обрўли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди. Мамлакатимиз Президенти Францияга ташрифи чоғида янги Европа учун Париж хартиясига имзо чекди. Марказий Осиё минтақасида оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик ташаббуси, Тожикистондаги қонли воқеаларга барҳам бериш борасида қилинган ишлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Ғолий номига ёзган мактублари ва Тожикистонга БМТ томонидан юборилган махсус комиссия уруш оловини тўхтатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон икки йил давомида анжуман иштирокчиси бўлган давлатларнинг ишончли шерикларидан бирига айланди. Бу ерда шерикларга қўйиладиган ягона талаб — жаҳонда эркин иқтисодий маконни вужудга келтиришга ҳисса қўшишдан иборат. Давлат бошлиқларининг, тижорат ва илм-фан кишиларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидаги илғор ғоя ва фикрларини рағбатлантириш, бу ғояларни инсоният бахт-саодати, фаровонлигига сафарбар этиш Давос анжуманининг асосий мақсадидир.

Бу анжуман иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурнинг ўзига хос ижодхонасига ўхшайди. Унинг иштирокчилари оддий кузатувчи сифатида эмас, балки ўз фикрларини асосли тарзда далиллаш, исботлаш, янги-янги таклиф ва ғоялар киритиш ниятида келадилар. Шу нуқтаи назардан қараганда Президентимизнинг навбатдаги Давос анжуманига ташрифи самарали бўлади, деб ўйлаймиз. Бугунги кунда Ўзбекистон олдида турган энг долзарб муаммолар, уни ҳал этиш йўллари, мавжуд имкониятлар ва вазифалар ҳар доимгидек очиқ-ойдин ўртага ташланади. Янги ҳамкорлар, юртимизга қизиқувчилар сафи кенгайиши, янги амалий таклифлар бўлиши шубҳасиз.

Дилшод ҚАЮМОВ,
УзА шарҳловчиси.

● ХДП ҳаётидан

ЯНГИ КОТИБ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилояти кенгашининг бўлиб ўтган пленумида вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг 1993 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Адҳамжон Ҳакимов ўз маърузасида 1993 йилда партия ташкилоти бир қанча самарали ишларни амалга оширганлигини таъкидлади. Жумладан, бир йил мобайнида ХДП аъзоларининг сони 3800 нафарга ошгани, партия ташкилотлари Республика Президенти, ХДП Раиси Ислом Каримовнинг Фармонларининг бажарилишини таъминлашда фаол қатнашаётганликлари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида қайд этилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Маҳмуджон Расулов иштирок этиб, партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар хусусида гапирди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Адҳамжон Ҳакимов Комсомолобод туман ҳокими этиб тайинланганини муносабати билан вилоят партия кенгаши биринчи котиблиги вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасининг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғининг муовини бўлиб ишлаган Расул Мухторов Андижон вилояти партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленум ишида вилоят ҳокими Қобилжон Обидов иштирок этди.

Шуҳрат МУСАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Ўзбекистон овози» таништиради



Расул Мухторов, 1947 йилда Хўжаобод туманининг Дилкушод қишлоғида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1970 йилда шу тумандаги Бобур номли мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчилигидан бошлаган. 1974-1990 йилларда партия органларида фаолият кўрсатди. 1990—1991 йилларда вилоят халқ назорати қўмитасининг раиси, сўнг Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг котиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси Андижон вилоят бошқармаси бошлиғининг муовини вазифаларида меҳнат қилди.

У Андижон Тиллар педагогика институти ва Тошкент Олий партия мактабини тамомлаган.

• ИСЛОҲОТ НЕЪМАТЛАРИ

МУЗРАБОТНИНГ ИҚБОЛИ

Шарт-шароити ва иқтисодий имкониятлари жиҳатидан Сурхондарёнинг энг йирик тумани — Музработ кўп йиллар сояда қолиб кетди. Тўғри, ишлаб чиқариш режалари ошириб бажарилди. Рапортлар, табриклар, тўйлар жойига қўйилди. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаймиз, деганга ўхшаш шиорлар янгради.

Лекин... туман 1993 йилга келиб эътиборга тушди. Ҳатто Республика Олий Кенгашининг сессиясида тилга олинди. Нафақат юқори давраларда, балки деҳқонларнинг дастурхон атрофидаги гурунгларда ҳам туман шаънига илиқ гаплар айтиладиган бўлди.

Бир танишим дўпписини бошидан олди-да Музработ тумани 1993 йилги пахта режасини вилоятда ҳаммадан орқада қолиб бажарди. Чорвадан ўзиб кетмаган. Завод, фабрика қурилмаётган бўлса. Пешқадамлигининг сири нимада экан, деб қолди.

Бу гапга жавобан шундай дейман: Социалистик мусобақа деган жумла биз, мухбирлар учун бош мавзу бўлган замонларда «ютуқларнинг сири» деб кўп ёзардик. Энди билсак, ютуқ деган нарсада сир бўлмас экан. Пешқадамлик бировдан яширилмасдан ошкорасига рўёбга чиқар экан. Ва ҳеч кимга янгилик бўлмаган бу фикримизга қуйидагиларни илова қиламиз.

...Тўқсон иккинчи йилнинг бошида туманга Абдухалил Намозов ҳоким этиб тайинланди. Аввал вилоят сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб келган Абдухалил ака Музработда ишни сувдан бошлади. Ерни дурустроқ суғоришни ўйлашдан эмас, одамларни ичимлик сув билан таъминлашнинг аҳволини яхшилашдан бошлади. Чунки касаллар кўплигидан шифохоналар торлик қилиб қолганди. Ичак-ошқозон, жигар хасталиклари кўпайиб кетганди. Чунки одамлар ичиб турган сувнинг қаттиқлиги меъёрдагидан икки баравар зиёд эди.

Мутахассисларнинг, тегишли раҳбарларнинг уйқуси бузилди. Кимдир Оқтош тоғи булоқлари суви таркибини ўрганди. Кимдир қувурнинг изини, яна кимдир лойиҳачиларнинг изини қувиб йўлга отланди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас тўртта йирик хўжаликнинг хонадонларига Оқтош суви жўмраклардан қуйилди. Шу-шу бу хонадонлар «сариқ дев»дан (сариқ касаллигини шундай деб атардилар) қутилганларига шукр қилиб яшамоқдалар.

Бироқ ҳали хонадонларнинг учдан икки қисми ҳамон ўша қаттиқ, шўр сувни ичмоқда эди. Юқори идораларнинг айтишига кўра, Хўжаипок магистрал тармоғининг сувини бу ерларга тўқсон еттинчи йили олиб келиш режалаштирилганди.

Намозов: «Бунақа режани биз бузамиз», деди. «Йигирма километрга қувур тортсгиз, марҳамат, бузаверинг», дейишди юқори идорадагилар «қувурни тортганингизни кўрамиз», дегандай қилиб.

Кенгашли тўй тарқамас дейдилар. Ҳоким фармон қилмайди. Кенгашади. Масалан, тўртта раисни чақириб олиб: «Топ қувурни», демайди. «Бизга шунча қувур лозим. Қани, айтинглар, қандай имкониятларимиз бор», дейди. Осмондан келиб эмас, атрофидагилар билан баб-баравар бўлиб гаплашади.

Маслаҳатда ҳеч ким ерга қарамади. Ўзини четга олмади. Иш давомида ҳам шундай бўлди. Олти ой деганда Хўжаипокнинг шифобахш суви туманнинг марказий сув тақсимлагич қурилмасига уланди. Одамлар чойнинг таъмини фарқлайдиган бўлиб қолдилар.

Бир йиғинда кимдир... Музработ 17 минг гектарда пахта экади. 60 минг тоннага яқин ҳосил беради. Келинг, тўқимачилик фабрикасини қурайлик, телевизор заводини қурайлик, деб қолди. Бу гапга ҳоким ётиғи билан изоҳ берди. Беш бармоқ оғизга сиғмайди, деди. Одамларимизга ҳозир энг зарур юмушларни қилайлик. Газлаштирайлик, деди.

Энди айрим маълумотларни кўринг. Музработда 13 мингдан кўпроқ хонадон бор. 1993 йили 3 минг хонадонда газ ўчоқлари ёнди. «Газлашган жами хонадонлар» деган катакдаги жавоб рақамларни кўринг: 8,5 мингта. Бир хонадонни газлаштириш учун, билсангиз, ҳалиҳамон дашт-чўл тумани деб аталадиган жойда бир тоннагача қувур сарф бўлади. Музработнинг қариялари хурсанд: муздек сувни газ ўчоқда илитиб олишади. Уй бекалари шод: нонни газ тандирда пиширишади. Болаларни айтинг: қишда қувнаб ўйнашади.

Музработда газлаштириш, ичимлик сув қувурларини ўрнатиш ҳар қандай ура-урачиликдан истисно тарзда, шунчаки бошқа юмушларнинг орасида амалга оширилди. Ерни, тупроқни авайламоқ керак. Унинг соғломлигини таъминламоқ, пировардида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқ керак.

Бунинг учун улар, «ерга гўнг солишнинг фойдалироқ усулини ўргатинглар» деганга ўхшаш сўров билан вилоят агросаноат уюшмасига қатнамадилар. Ишни замонабоп тарзда уюштиришга эътибор қилинди. Бир мисол: «Қўнғирот» жамоа хўжалигида мулкка, ерга эгалик қилишнинг янада такомиллашган усулини маъқул кўришди. Бу ерда деҳқон хўжалиги уюшмаси ташкил этилди. Уюшма таркибида 375 деҳқон хўжалиги шакллантирилди. Деҳқон хўжаликларининг ҳаммаси банкда ҳисоб рақамларини очди. Бу усулнинг энди биринчи самарасини кўринг: хўжаликни аввал 45 киши бошқариб турарди. Дўппини отсангиз, шундоқ бир амалдорнинг бошига тушарди. Шулардан 30 нафари қисқартиришга тушди. Лекин улар бекор қолганлари йўқ. Далага чиқиб уюшмадан ҳар ким ўзига яраша ер олди. Нима экиш кераг-у, қанча маҳсулот ишлаб чиқариш хусусида шартнома тузишди (уюшма раисининг ўзи Йўлдош Шаймонов 10 гектар ер олиб, кетмон чопиб ўтирганда, вазифаси қисқариб кетган бошқа биров: «Ҳой, Йўлдошбой, сизга буғолтир керак эмасми?» деб амал таъма қилиб турарми-ди).

Уюшманинг қуйи звеноларида ҳам шундай бўлди. 9 та бўлим тизимида 120 та киши раҳбар бўлиб ишларди. Тракторларнинг бугун нима иш қилишини рўйхатга тушириб ўтирадиганининг маоши тракторчиникидан кўп бўларди. Ҳозир бошқача: 9 бўлимни 9 киши бошқаради. Бошқалар (гапга тус бериб айтадиган бўлсак) «меҳнат қучоғида жавлон уради». Ер, ресурс бу ерда бригадирники, агрономники ёки раисиники эмас. Ким пешонасидан тер қуйилиб ишласа — ўшаники. Энди бу ерда ҳеч ким бир халта азот ўғитини ёки ёнилғини ўғирлай олмайди. Чунки мулкнинг эгаси ҳамиша унинг бошида туради.

«Қўнғирот»ликлар янгича ишлашни Тошкентдаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясидан ўргандилар. Корпорация раиси, профессор Т. Мадиёров Музработдаги бу янгиликдан хабардор. Ҳатто у, «Қўнғирот»ликлардан биз нималарни ўрганмоғимиз лозим, деганмиш. Тумандаги бошқа хўжаликлар бўлса, аллақачон бу янгиликни ўзлаштириб олиш измига тушишган.

Музработнинг катта • бозорида Салимов Абдиғани деган одам билан саломлашиб қолдик. Фермер. Бошқача айтганда, туманнинг минг қўйли бойларидан. Бойлигини сандиққа жойлаб ўтиргани йўқ. Бозор майдонида муҳташам чойхона қуришни ниҳоясига етказай, дебди.

— Фермерларимизнинг ўз дўконлари, сутни қайта ишлаш цехлари, чарм ийлаш устахоналари бўлади, — дейди ҳоким. — Ҳеч қандай товламачиликка йўл қўйилмайди. Фермер (деҳқон) хўжалиги ўзининг қўшнисига, ҳамқишлоқларига, болалари ўқиётган мактабларга хизмат қилади. Ҳозир хўжаликларга 5 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган йирик-йирик цехлар ускуналари келтирилди. Пахта заводимизда кунига 5 тонна мой ишлаб чиқарадиган цех ишга тушди. Ана энди ип йигирув фабрикасини, шоли поҳолидан қоғоз қилиб чиқарадиган фабрикаларни қурамиз, деган ниятимизнинг уддасидан чиқадиган имкониятларга эга бўлаяпмиз.

Бу ерда ҳам янгиликнинг устидан чиқдик. Бозор учун ёпиқ бино қурилибди ва фойдаланишга топширилибди. Ҳоким майизнинг нархини сўрайди.

— Тўрт минг сўм, — дейди ялтироқ чопон кийиб олган узун бўйли йигит.

— Сўраётган одамни танийсан-да, нархни пасайтириб айтаяпсан, — деб кулади бозорбоши.

— Бу кишини танимаган одам борми, — дейди майизфуруш яна кулиб. — Менку, шу ернинг одамиман. Деновнинг Хўжасоатидан. Регардан келганлар ҳам яхши танишади.

Тижоратбоп моллар сотиб ўтирган аёлнинг гапи ҳаммасидан қизиқ бўлди. — Сизни бошқа ишга кетаётганмишсиз деб, эшитдим. Уйимизга ўтказилаётган газ энди нима бўлади...

Шу пайт ёши етмишларни қоралаган, Бойсун олачасидан салла ўраган чол салом бериб ҳокимга қўл узатди.

— Бойсунликман, бўтам, — деди чол мулойим овоз билан. — Пичоқ сотаяпман. Бир хешимизникига қўнувдим. Ҳе, бир чет қишлоқдан. Уйига газ ўтганини кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетипти. Сизга балли. Шу пичоқ мендай бир мўйсафиддан нишона бўлсин.

Ҳоким кулди. Қўярда-қўймай чолга пичоқнинг пулини узатди. Чол қироат билан дуо тиловат этди.

* * *

Январь ойининг бешинчи кунлари эди. Намозов: шудгорни ҳам ниҳоясига етказай деяпмиз, — деб қолди.

Деҳқончилик саноати уюшмаси ёнилғидан роса қарашипти-ку. Айрим жойларда битта тракторни жойидан қўзғатиш қийин бўлиб турган бир пайтда, бу катта гап.

— Вилоятнинг уюшмасими, — дейди ҳоким жиддий тортиб. — Ҳеч ҳам ёрдам бергани йўқ. Ёрдам қилолмайди ҳам. Умуман ўша уюшманг, яна «Ўзбекпахта» концернининг вилоятдаги идорасига ўхшаган маҳкамалар менинг кўзимга, оддий деҳқонларнинг кўзига ҳам ортиқча бўлиб кўринади.

— Лекин мутахассис, фан-илм билан ҳамкорлик деҳқонга ортиқчалик қилмаску...

— Бу гапингизга мен ҳам «за». Мутахассис керак. Мана, бизнинг РАПОда Қурбонов Худойназар, Мерганов Иброҳим деганлар бор. Бири — агроном, иккинчиси — иқтисодчи. Қаерга бормасин, одамлар уларни қучоқ очиб кутиб олади. Биз, раҳбарларга ўшаларни бир бизга юборинг, деб сўрашади. Лекин, ҳов, Термиздан папка кўтариб келиб, деҳқонга янги гап айтолмайдиган, нима балолар деб бошни оғритадиган одам кимга ёқади.

Конфуций деган донишманд ўтган. Биласиз. Одамлараро муносабатларни бештага ажратган. Ва раҳбарнинг қўл остидагилар билан муносабатини биринчи ўринга қўйган. Чунки, одамнинг иқболи кулиши раҳбарига ҳам боғлиқ. Нафақат одамнинг, жамиятнинг иқболи кулиши ҳам. Айтмоқчиманки, турли-туман уюшмаларга эмас, ишимизнинг бошида турган раҳбарларимизга суянамиз.

Шу пайт телефон жиринглади. Қўнғироқ Музработдан икки юз чақирим узоқликдаги Узун туманидан экан. Бир таниши ҳокимдан бир арава ғўзапоя сўради.

— Уҳ, ҳоким бўлиш ҳам қийин бўлиб қолди, — деди у телефон трубкасини жойига қўяётиб. — Узунга газ олиб келиб беринг, демаганигаям шукр.

Бир кулишиб олдик.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

Маҳбубахон — мустақил мамлакат ёшларининг минглаб вакилларидан бири. Ёшлик ғурури, орзу-умидлари мўл бўлган, албатта. Лекин у ҳавойи ҳавасларга эрк бермади. Ўзини вазмин тутиб, касб танлашда янглишмади. Ўзини тўқимачилар даврасига урди.

Тўғри, дарҳол калаваловчи бўлиб етишгани йўқ. Аввал шогирд бўлди. Уста тўқимачилардан касб-кор сирларини ўрганди. Дастлабки малакасини муттасил такомиллаштиришни одат қилди. Билмаганларини тажрибали ишчилардан ўрганиб олишдан ор қилмади.

Мана энди Маҳбубахон Шарипова— мамлакатда йирик ҳисобланган Бухоро ип газлама бирлашмаси катта жамоасининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Исми-шарифи олдидан илғор сўзи қўшиб айтилади. Бу — катта шараф, обрў, яхши ишлаётганининг тан олиниши ифодаси.

Бундай эътибор у касбга бўлган иштиёқи, малакасини муттасил ошириб бориши, ёқимли хулқ-одоби, катталарга ҳурмати, тенгдошларини иззат қилиши туфайли сазовор бўлмоқда.

Мустақил мамлакатнинг илғор тўқувчиси тармоқ ходимлари олиб бораётган улуғвор иш — юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш вазифасини аъло даражада бажаришга ҳаракат қилмоқда. Ўз корхонаси ип йигирув-тўқув фабрикасида энг сифатли калава ишлаб чиқаришда донг таратган ҳамкасблари билан бўйлашишга интилмоқда. «ПК-100» деб аталувчи дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаряпти. Режага қўшимча 25—35 фоиз миқдорда калава тайёрлашга муваффақ бўлмоқда.

Суратда: илғор ип калаваловчи Маҳбубахон Шарипова.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

• *Ўзбек тилим—жону дилим*

ТИЛИМИЗ ҚАДДИНИ ТИКЛАМОҚДА

Мана, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам тўрт йилдан ошди. Хўш, шу давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонунини бажариш борасида сизнинг жамоангизда нима ишлар қилинди! Мухбиримиз ушбу савол билан Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат акционерлик корпорацияси бошқаруви раиси ўринбосари, Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси раиси Л. ИСАЕВга мурожаат қилди.

Корпорация бошқарув раёсати ҳар йили бир марта ўз мажлисида мазкур муҳим ҳужжатни тармоқда қандай амалга оширилаётганини муҳокама қилаяпти, тадбирлар белгилаб, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб бормоқда. Жойлардаги бўлинмалари, автокорхоналар, ташкилотлар ҳузурида қонунни амалга ошириш комиссиялари тузилиб, улар белгиланган аниқ режа ва тадбирлар асосида фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, корпорацияда ташкил этилган 13 кишидан иборат қонунни амалга ошириш комиссияси ўтган давр мобайнида бир қанча ишларни амалга оширди. Комиссия аъзолари вилоятларга бориб, иш билан танишадилар, йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган мажлисга материаллар тайёрланади. Ҳозиргача деярли барча бирлашмалар, концерн ва уларга қарашли бўлган автокорхоналарда қонун қандай амалга оширилаётгани бир неча бор муҳокама қилинди.

Шу боис «Фарғонатранс», «Андижонтранс» «Наманганттранс», «Хоразмтранс», «Қашқадарётранс», «Тошшаҳюктранс», «Ўзшаҳарларароавтотранс», «Ўзавтосозлаш» ва бошқа бир қанча бўлинмаларда бу борадаги иш анча жонланди. Уларда муҳрлар, тамғалар, лавҳалар, пешлавҳалар, тарғибот-ташвиқот воситалари, корхоналараро ёзишмалар, қуйи ва юқори ташкилотларга юбориладиган хат-хабарлар ўзбек тилида битилган корпорация тизимида ҳам бир қатор иш қоғозлари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, автобус ва таксилардан фойдаланиш қоидалари, Фахрий ёрлиқ, гувоҳнома, низом, нархномалар, йўриқномалар фақат ўзбек тилида тайёрланиб, амалда қўлланилмоқда. Барча автошоҳбекат ва бошбекатлар давлат тилидаги тарғибот воситалари билан жиҳозланган. Деярли ҳамма корхоналар ўзбек алфавитига мослаштирилган ёзув машинкалари ҳамда унда ёза оладиган ходимлар билан таъминланган.

Зарур деб топилган жамоаларда таржимонлар ишламоқда. Йиғилишлар фақат битта тилда олиб борилаяпти. Корпорация аппарати, «Ўзшаҳарларароавтотранс» бирлашмасида йиғилишларни шу онда таржима қилиш қурилмаси мавжуд.

Ўзбек тилини ўрганиш бўйича тўрт йилдан буён 60 ва 100 соатли дастур асосида ўқишлар ташкил этилган. Дарслар дастлабки йилларда камроқ самара берган бўлса-да, лекин кейинги вақтда ўқишнинг мазмуни яхшиланиб, тингловчиларнинг сони ортди.

Комиссиянинг атамашунослик гуруҳи ташаббуси билан «Автомобиль транспорти ходимлари учун русча-ўзбекча қисқача луғат» китобчаси икки марта нашр этилди. Шунингдек, Т. Аҳмедовнинг «Транспортга оид иқтисодий атамалар изоҳли луғати» босмадан чиқарилди. Тармоқнинг бугуни ва эртасини илмий-оммабоп тарзда ёритишга мўлжалланган «Ўзбекистон автомобиль транспорти» журналининг биринчи сони ўзбек ва рус тилларда ўтган йилнинг октябрь ойида нашр этилди.

Тил ҳақидаги Қонунни кенг жорий этишда «Ўзбекистон автомобилчиси» газетаси ҳам фаол иш олиб бормоқда. Газета саҳифаларида автокорхоналарда ўзбек тилини жорий этишдаги ижобий ишлар тарғиб этилиб, бу борадаги камчиликлар танқидий мақола ва фотолавҳалар воситасида очиб ташланяпти. «Атамалар бурчаги»да тармоққа оид русча атамаларнинг ўзбекча муқобиллари эълон қилиб борилмоқда. Эндиликда путевой лист — йўл варақаси, билет — чипта, патта, автовокзал — автошоҳбекат, автостанция — автобошбекат, багаж—юк, диспетчер — нозим, диспетчерская — нозимхона, маршрут — йўналиш, автоколонна—автожамланма, рейс—қатнов, кондуктор — паттачи, технический осмотр—техника кўриги, инженер—муҳандис, прицеп — тиркама каби ўнлаб атамалар тармоқ ҳаётига сингиб, ходимларимиз томонидан фаол қўлланилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўтган давр ичида қонунни амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, аммо ҳали бу борада қилинадиган ишлар жуда кўп. Аввало рус тилида гаплашадиган ишчилар учун ташкил этилган ўзбек тилини ўрганиш курсларида машғулотлар самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг илғор усулларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтилишини таъминлаш лозим. Бунинг учун кўплаб зарур дарслик, қўлланма, луғатлар қўлимизда бўлмоғи зарур. Энг муҳими, ҳар бир рус тилида гаплашувчи одамга иш фаолияти, турмуши учун ўзбек тилини ўрганиш нечоғлиқ ҳаётий зарурат эканлигини, унинг айни пайтда халқаро мавқеи ортиб бораётганини алоҳида уқтириш лозим бўлади.

Бу ишда ҳар бир раҳбар ходим ўз жамоасида Давлат тили жорий этилишининг ташаббускори, ташвиқотчиси ва жонкуяри бўлмоғи керак. Бу борада Республикамиз Президенти И. Каримовнинг энг юқори даражадаги кенгаш, учрашув ва суҳбатларда ўзбек тилида маъруза қилиши, журналистлар билан матбуот конференцияларини ўтказиши ҳаммамиз учун ибрат бўлмоғи даркор.

Ечимини кутаётган муаммолардан яна бири ҳисоб-китоб, молия, статистикага оид ҳужжатларни Давлат тилида юритишнинг секин боришидир. Буни республика бўйича имкони бўлса тезроқ, марказлаштирилган усулда ташкил этиш зарур. Қонунда белгилаб берилган вақт эса ўтиб бормоқда.

Бундан кейин тармоқда тил ҳақидаги қонунни жорий этиш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, уни тезроқ ҳаётга татбиқ этамиз. Бунинг учун барча шарт-шароит етарли.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА ПАРТИЯ КЎМАГИ

Қарши туманидаги Юсуп Хушвақтов номли жамоа ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш соҳасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, бошланғич партия ташкилоти қатор тадбирларни белгилади ва ишлаб чиқди. Натижада давлат хўжалиги вилоятда биринчилардан бўлиб, мулкчиликнинг янги шакли—жамоа ширкат хўжалигига айлантирилди.

Мулкчиликнинг янги шакли—ҳиссадорлик жамоасига айланган сут-товар фермасида 41 киши меҳнат қилмоқда. Уларга ўн йил муддат билан 42 миллион сўмлик мол-мулк қарзга берилди.

Партия ташкилоти фаолиятининг асосий негизини деҳқоннинг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш воситалари ва етиштирилган маҳсулотга эгалик қилишига тўлиқ шароит яратиш ташкил этмоқда. Хўжаликнинг барча йирик ички бўлинмалари партиявий таъсир доирасида бўлиши учун ўсимликчилик ижара ширкатларида, чорвачилик ҳиссадорлик жамоасида, маъмурий идора ва механизация ижара ширкатида цех партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Жамоа ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишида раҳбар партия аъзоларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги шахсий иштироклари юзасидан ҳисоботлари эшитилмоқда. Хўжалик касаба уюшмаси раиси Т. Нормуродовнинг «Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ва меҳнат шароитини яхшилаш борасида»ги, хўжалик меъмори Ш. Бегматовнинг «Республика Президенти Фармонларини ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида»ги ҳисоботлари шулар жумласидандир.

Кейинги пайтда 145 та уй хусусийлаштирилди. Бошланғич партия ташкилотининг тавсиясига биноан илғор ишчилар, меҳнат фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари яшаётган 90 та уй бепул хусусийлаштириб берилди.

Умуман, мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш ва уни такомиллаштириб бориш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ўтган йили 995 тонна ғалла етиштирилди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 29,9 центнер ўрнига 33,7 центнерга етказилди. Шунингдек, давлатга мева, узум, гўшт, сут пилла сотиш режалари ҳам ошириб бажарилди. Бу хўжаликка миллиард-миллиард сўмлаб даромад келтирмоқда. Аҳолининг моддий фаровонлиги яхшиланмоқда.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюроси йиғилишида Қарши туманидаги Юсуп Хушвақтов номли жамоа ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг хусусий мулкчиликнинг амал қиладиган соҳаларини кенгайтириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида амалга ошираётган ибратли ишлари кўриб чиқилиб, маъқулланди. Бюро хўжаликда иқтисодий ислоҳотларни кўзда тутувчи дастурий мақсадлар, орттирилган илғор тажрибаларни кенг ёйишни партия ташкилотлари зиммасига юклади.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЛУҚМА

ОДАМИГА ҚАРАБ-МИ?

Вилоят ҳокими Мирзажон Исломовнинг халқ депутатлари вилоят кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган маърузасидаги қуйидаги жумлалар эътиборимни тортди: «Жойларда ажратилган бюджет маблағларидан нотўғри фойдаланиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Умумхалқ мулкига бундай бепарволик жиноят эмасми? Қува туманидаги Янгиқишлоқ кенгашига қарашли «Наврўз» болалар боғчасида озиқ-овқатлар учун сарфланган маблағлар ҳужжатлари сохталаштирилиб, 139000 сўм ўзлаштириб юборилган. Вилоят руҳий касалликлар шифохонасида эса 224,6 минг сўм камомад аниқланди. Фарғона Давлат дорилфунунида нотўғри сарфланган ҳаражатлар 12,9 миллион сўм бўлиб, ундан 11,8 миллион сўми камомад бўлиб чиқди. Фарғона шаҳар қариялар уйида ҳам шундай камчиликларга йўл қўйилган. Эътибор берсангиз, кўп ҳолларда норасида гўдаклар, ёрдамчисиз қариялар, студентлар ҳаққига хиёнат қилинмоқда».

Бу маълумотнинг дорилфунунга тегишли қисми остига чизиқ тортдим. Уни кенгроқ шарҳлаб, талабалар ризқига кўз олайтирган кимсаларнинг «найранг»ларидан муштарийларимизни воқиф қилмоқчи эдим.

Текширишни Давлат назорати Фарғона шаҳар инспекцияси ходимлари олиб боришган экан. Текширув ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун шу идорага кирдим. Бевосита шуғулланган ходимлар турли баҳоналар билан ўзларини четга олишди ва мени шаҳар инспекцияси бош инспектори Фаҳриддин Позиловга рўбарў қилишди. У эса маданийча қилиб рад жавобини берди:

— Кечирасиз, ҳайъатимиз йиғилишида матбуотда берилмасин, деб қарор қилиб қўйган эканмиз. Узр...

Тушунолмай қолдим. Ўзининг журъатлилиги билан ном қозонган Ф. Позилов шуми ё... Бу инспекция ходимлари ҳар қандай текширув натижаларини матбуотда ошкор қилишга уста эдилар-ку?! Ёки газеталарда пўстаги қоқилиб, камчиликлари «дўмбира» қилинганлар бўлак тоифадан, дорилфунундагилар бошқачами? Танқид ошкоралиги ҳам одамига қараб эканда?! А, лаббай?!.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ОСМИЙ ЖАҲОНДА ОЛТИНДАН ҲАМ ҚИММАТ

АЛМАТИ. Қозоғистон тарихида биринчи марта жаҳонда энг қимматбаҳо ва ғоятда ноёб маъдан—осмийни чала металл рудаларидан йўл-йўлакай ажратиб олиш технологияси яратилди.

Осмийнинг бир грамми ҳозирги пайтда жаҳон бозорида 60 минг доллар баҳоланмоқда. «Жезказганцветмет» акционерлик жамияти шу йилнинг ўзида бир килограмм осмий саралаб олишни режалаштирмоқда. Келгуси йилда бу рақам икки килограммдан ошади. Шундай катта бойлик Жезқозғоннинг жаҳонга экспорт қилаётган мис маҳсулоти эвазига олинаётган валюта миқдорига тенгдир. Янги маҳсулот митти шиша идишларда ташилади ва сифат кўрсаткичи бор.

Осмий ҳақида икки оғиз сўз: бу маъдан кимёвий элемент бўлиб, у платина рудасидан саралаб олинади. Кўкиш—оқ тусда, қаттиқ ва эриши қийин. Техникада, электр лампаларининг толаларини тайёрлашда бардошликни ошириш учун ишлатилади.

ҚОЗОҒИСТОН ЎЗ ҲАРБИЙ ФЛОТИНИ ЯРАТМОҚДА

АЛМАТИ. Қозоғистоннинг кичик ороли — Манғишлоқда республика мудофаа вазирлиги ҳарбий-денгиз базасини яратишга киришди.

Каспий денгизининг шарқий томонидан бошлаб икки минг километрга чўзилган қирғоқ бўйи Қозоғистон ҳудудига тегишлидир. Республиканинг денгиз чегараси ана шу ерга ястанган. Аввалги Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин, ана шу маскан ҳувиллаб қолди. Манғишлоқнинг Баутино бандаргоҳига лангар ташлаб турган кемалар ўз ўзидан қаёққадир ғойиб бўлди. Хўжасиз бўлиб қолган бандаргоҳ ускуналари ўғирлана бошлади.

Қозоғистон Ҳарбий Денгиз Кучларининг дастуриламали яқинда Алматида Хавфсизлик Кенгашида маъқулланди. Республиканинг бош бандаргоҳи Уральск шаҳри бўлиб қолади. Чунки, бу ерда катта ва кичик кемалар ишлаб чиқарилиши учун қулай имкониятлар бор.

«ҚИРҒИЗ—ТУРОН» АГЕНТЛИГИ ИШ БОШЛАДИ

БИШКЕК. Қирғизистонда «Қирғиз—Турон» агентлиги иш бошлади. Бу биринчи хусусий халқаро матбуот агентлиги бўлиб, у давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бундан буён мамлакатнинг миллий телеграф агентлиги янги ҳамкасби билан рақобатлашиб ишлаши мумкин. «Қирғиз—Турон» агентлиги матбуот учун турли хабарлар ва мақолалар тайёрлаш ва уларни мижозларга етказиш билан шуғулланибгина қолмай, балки газета, илмий-оммабоп нашрлар, бадиий ва болалар адабиётларини нашрга тайёрлаш билан ҳам банд бўлади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномалардан олинди).

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

ОСИЁ БОЗОРИ

№ 48

1994 йил 27 январь

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• *ИҚТИСОДИЁТ ОДИМЛАРИ*

БАЛИҚ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

Бугунги кунда Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг долзарб вазифадир. Ана шу вазифани амалга ошириш, халқимиз дастурхонини турли ноз-неъматлар билан таъминлашда балиқчиларнинг ҳам ўз ўрни бор. Ҳозирги шароитда балиқчиликни кенг ривожлантириш, сунъий хавзалар яратиш, уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Хўш, яқин келажакда аҳолига етарли миқдорда балиқ ва балиқ маҳсулотлари етказиб бериш имкониятлари қандай? Бу борада ютуқ ва камчиликлар ҳамда муаммолар нималардан иборат?

Шу мақсадда мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги балиқ етиштириш, қайта ишлаш ва балиқ маҳсулотларини сотиш бўйича концерн раис ўринбосари Қ. А. ПУЛАТОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Қудратилла Анварович, халқ хўжалигида балиқчилик тармоғининг тутган ўрни нималардан иборат?

— Барча тармоқ соҳалари билан бир қаторда балиқчилик хўжалиги ҳам ривожланиб бораяпти. Балиқ асосан сунъий кўлларда етиштирилади. Айни чоғда Республикамизда 10 минг гектардан зиёд сунъий кўлларимиз мавжуд. Уларда йил давомида 22—24 минг тонна балиқ етиштирилади. Бундай усул билан балиқ етиштириш Навоий вилоятидан ташқари барча вилоятларда йўлга қўйилган.

Шунингдек, 40 дан ортиқ табиий кўлда ҳамда 14 та сув омборларимизда йилига 7,5—8 минг тонна балиқ тутилиб, эл дастурхонига етказиб берилмоқда.

Хўжаликларимизда балиқни қайта ишлайдиган 20 та цех ишлаб турибди. Қорақалпоғистон Республикасида Мўйноқ балиқ консервалари ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатаяпти.

Чет мамлакатлардан балиқ маҳсулотлари келтириб, уни савдо шохобчаларига етказиб берувчи омборхона ва фирма савдо дўконлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Келажакда балиқчиликни ривожлантириш юзасидан қандай режалар бор?

— Собиқ Иттифоқ даврида ички сув ҳавзаларимизда йилига 25—28 минг тонна балиқ маҳсулотлари етиштириларди. 50 минг тоннадан зиёд музлаган балиқ ва балиқ маҳсулотлари республикамизга четдан олиб келинарди.

Ҳозирги кундаги энг асосий вазифамиз — ўз ички имкониятларимизни ишга солган ҳолда халқимизни балиқ маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришдир. Ушбу юмушларни амалга ошириш юзасидан бир талай ишлар режалаштирилаяпти. Жорий йилда мавжуд кўлларнинг унумдорлигини ошириш ва балиқ етиштиришни кўпайтириш учун чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, Тошкент вилоятидаги «Балиқчи» бирлашмасида 130 гектар, «Дамачи» хўжалигида эса 70 гектар кўл таъмирланиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида 1995 йилдан бошлаб вилоят аҳолисига қўшимча равишда 200 тонна балиқ маҳсулотлари етказиб бериш имкони туғилади. Наманган, Бухоро, Сирдарё балиқ хўжаликларида ҳам шундай тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Балиқчиликда унумдорликни ошириш йўлларидан бири балиқ чавоқчалари етиштиришни яхшилашдан иборат. Жорий йилда Янгиердаги хўжалигимизда балиқ чавоқчаларини етиштириш мўлжалланяпти. Сурхондарё вилоятининг «Узун», Наманган вилоятининг «Гулбоғ» хўжаликларида ҳам ушбу иш режалаштирилмоқда.

Сунъий кўлларни кўпайтириш борасида Навоий тоғ-кон металлургия комбинати билан ўзаро ҳамкорликда алоҳида сунъий кўл хўжалигини ташкил қилиш ниятидамиз. Айни пайтда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланаяпти.

Тошкент вилоятининг Пискент туманида 250 гектар ерга кўл қурилиши кўзда тутилган. 1995—1996 йилларда Наманган ва Фарғона вилоятларида сунъий кўллар қуриш ишлари бошланади.

Илиқ сувларда балиқ ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш мумкинлиги Сирдарёда қурилган ҳовузларда исботланди. Икки йилдан буён вилоят аҳолиси худди шу ерларда етиштирилган салкам 100 тонна балиқни харид қиляпти. Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар натижасида республикада балиқ етиштириш 2000-йилга бориб 1,5 баравар ошади.

— Балиқ турларини кўпайтириш устида олиб борилаётган ишлар хусусида нима дейиш мумкин?

Сунъий кўлларда дўнгпешона, оқ амур ва зоғора балиқ ўстирилади. Табиий кўлларимиздан 10 хил турдаги балиқ тутилади. Жумладан, тоғ сувида хонбалиқ етиштирилади. Тошкент вилоятида ана шундай турдаги балиқ ўстирилмоқда.

Балиқлар турини кўпайтириш мақсадида совуқ сувда ўсадиган янги пелядь балиғи ҳамда илиқ сувни ёқтирадиган теляпия балиғини маҳаллий шароитимизга мослаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.

— Аҳолига балиқ маҳсулотларини етказиб беришни яхшилаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Хўжаликларда етиштирилган балиқнинг асосий қисми давлат савдо дўконлари орқали сотилади. Шу кундаги вазифаларимиздан бири — барча вилоятларда фирма савдо дўконларини кўпайтиришдан иборат. Пойтахтимизнинг ҳамма туманларида эса ихтисослашган дўконларимиз фаолият кўрсатаяпти. Бу ишларга вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятидаги раҳбарлар яқиндан кўмак бераяптилар.

Хўжаликларимизда балиқ учун омухта ем ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб турибди. Ёрдамчи хўжаликларимизда эса қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади.

Шунингдек, 15 дан зиёд фермер хўжалиги ташкил этдик. Улар асосан чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлардир.

Умуман балиқчилик тармоғида ўзгаришлар талайгина бўлиши кутилмоқда. Мақсадимиз бундан кейин ҳам аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини имкони борича қондиришга қаратилган.

СУРАТЛАРДА: балиқчилик хўжалиги иш фаолиятидан лавҳалар.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚУРИЛИШ ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ 1994 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА БАЛАНСИ

МАНБАЛАР НОМИ	Қолдиқ	
	Актив	Пассив
Низом фонди		566621
Эҳтиёт фонди		102965
Махсус ва бошқа фондлар		48739
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги қарз-манбаларини бошқариш фонди	1105587	
Марказий Банкдаги ёзишмалар ҳисоб рақами	1359318	
Мижозлар ҳисоб рақамлари		3817029
Берилган қарзлар	2432898	
Депозитив қарзлар		166000
Банклараро қарзлар	250000	229500
Фуқаролар маблағлари		131195
Капитал маблағларни молиялаш		12940
Бошқа қарз олувчи ва берувчилар	10775	243137
Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқувчи буюмлар, хўжалик жиҳозлари, капитал маблағлар	159548	
Жалб этилган маблағлар	411183	
Йиллик фойда		411183
Баланс:	5729309	5729309
1993 йилда олинган жами даромад:	735671	

Банк харажатлари: 324488, Даромад 411183 Баланс ҳаққонийлиги «Ўзбанкаудит» акционерлик жамиятининг 1994 йил 6 январдаги 01001/7 сонли маълумотномасида тасдиқланган.

«АНИПРА ИМПЕКС ЛТД»

ҲУРМАТЛИ ЖАНОБЛАР!

«АНИПРА ИМПЕКС ЛТД»

ЧЕТ ЭЛ ФИРМАСИ

Тошкентдаги омборлардан арзон нархларда қуйидагиларни сотади:

—«Апполо» тиш пастаси (Ҳиндистон маҳсулоти)

—«Аляска» иссиқ курткалари (Япония маҳсулоти)

—Жундан тўқилган свитерлар (Ҳиндистон маҳсулоти).

—«AAKASHI» радиотелефонлари (Япония маҳсулоти).

ҲАҚЛАР ИСТАЛГАН ШАКЛДА ТЎЛАНАДИ.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Лоҳутий кўчаси, 16 а, («Ойбек» метро бекати), 312—314 хоналар.

АЛОҚА УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 56-33-57, 56-29-66, 56-99-61, 56-32-78.

ФАКС: 56-33-57. ТЕЛЕКС: 116461. NANCY SU.

САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК БУЛИМИ ҚУЙИДАГИ ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИ ТЕЗ ВА СОЗ ҲАМДА СИФАТЛИ БАЖАРАДИ:

— ҳисоб-китоб хизмати;

— корхона ва ташкилотларни маблағ билан таъминлаш;

— ташкилотларнинг йиғма пул маблағларини бошқариш;

— корхоналар фондларини баҳолашни амалга ошириш;

— хусусийлаштирилаётган корхонанинг эмиссион проспектини хусусийлаштириш концепциясини ишлаб чиқишда кўмаклашади.

Мижоз учун манфаатли шартларда жамғарма ҳисоб рақамларини очамиз. Сизларнинг омонатларингиз махфийлиги ва сақланишини кафолатлаймиз.

ЖАМҒАРМА КАССАЛАРИ МАНЗИЛГОҲЛАРИ:

№ 1 «Хумоюн» даҳаси.
№ 2 Губкин кўчаси 1-а-уй. «Эталон» заводи ёнида.
№ 3 Тюльпанов кўчаси йўлаги, 92 уй.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Сизларни «Саломатлик маркази» фирмасида ишлаётган Малика АЗИМОВА шифокорлар гуруҳи қабулига

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сиз бу ерда дори-дармонсиз остехондроз, суяк бўғин касалликлари, ошқозон, ичак, жигар, буйрак, юрак-қон томир хасталиклари, невроз, урология ва гинекологик хасталиклардан 7—10 кун мобайнида халос бўласиз, танингиз соғломлашиб ёшара бошлайсиз.

Тиббий муолажа машғулотлари ҳар душанбадан бошланиб, 7 кун давом этади.

Қабулга 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган дардмонларни чорлаймиз.

Ҳомиладор аёллар, онкологик ва юқумли касалликлар билан хасталанган беморлар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент. Амир Темур хиёбони, «Правда Востока» кўчаси, 6. (Свердлов концерт зали ёнида). ТЕЛЕФОН: 33-49-20, 33-80-00.

• *Чорва—бойлигимиз*

«ЮКЛИ» СОВЛИҚЛАР

Қиш қишлигини қилди. Дастлабки кунлардан бошлабоқ табиатнинг хуружи авжга чиқди. Айниқса, Ғиждувон туманидаги «Кўкча» давлат наслчилик хўжалиги тасарруфидаги яйловларни қалин қор қоплаб ўт-ўланлар кўринмай қолди. Қўраларда эса қўйлар кунлаб қамалиб қоладиган бўлди.

Етиб еганга тоғ чидамас, қўлдан берганга қуш тўймас, деб бежиз айтилмаган. Бундай шароитда салгина бепарволик қилинса, тамом, чорвадан айрилиб қолиш ҳеч гап эмас. Буни яхши англаган туман раҳбар ва мутахассислари зудлик билан чўпонларга мадад қўлини чўздилар. Хўжаликдаги аҳвол билан атрофлича танишдилар. Қўйларни аёздан омон сақлаб қолишнинг барча чораларини кўришда маслаҳат ҳамда амалий ёрдам бердилар. Тез орада бошқа хўжаликлардан қўшимча ишчи кучи, ўндан зиёд автомашина, кўплаб қор тозалайдиган техника чўпонлар ихтиёрига юборилди. Қўшимча равишда 500 тонна омухта ем, 100 тонна шелуха, 50 тонна дағал хашак келтирилди. Чўпон отарларига элитадиган йўллар, қўралар қордан тозаланди. Чўпонлар тунни тонгга улаб, қўйларни ҳайдаб туришди.

— Чорвамизнинг ҳақиқий хўжайини бўлган чўпонларга ғамхўрликни ҳам назардан қочирганимиз йўқ, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Алижон Насимов. — Айни кунларда улар қўшимча озиқ-овқат, иссиқ кийим-бош билан таъминланяпти. 165 нафар чўпонга иссиқ кийим тарқатилди. Туман марказий шифохонаси ҳакимлари эса чўпонлар, уларнинг фарзандлари соғлиғини муҳофаза қилишда жонбозлик кўрсатяптилар.

Бу йилги қиш қаттиқ бўлса керак, деган тахминга борган айрим чўпонлар дастлаб чўчишди, — дейди хўжалик раҳбари Бобомурод Нуров. — Лекин ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар туфайли қийинчиликлар бартараф этиляпти.

Қўйини яйлов тўйдиради. Бу ҳақ гап. Хўжалик чўпонлари тўпланган озуқани ўйламасдан қўйларга бераверадиган бўлсалар, баҳоргача етмаслиги аниқ. Шу боисдан ҳам қор эриган кунларда жониворларни даштга ҳайдамоқдалар. Отарларни яйловларга ёйиб, қўйларни ҳаракатлантириб туришда ҳикмат кўп. Чўпонларнинг таъбири билан айтадиган бўлсак, қўй-эчки ўз ризқини яйловдан топиб емаса, уни тўйдириб бўлмайди.

Айни кунларда хўжаликдаги 3 та фермада 61289 бош мол мавжуд. Шундан 37368 боши совлиқлардир. Қўйлар Томди, Оёққудуқ, Буканай яйловларида яйратиб боқиляпти. Чўпонлар, айниқса «юкли» совлиқлар парваришига алоҳида эътибор беришмоқда. Уларни имкон қадар ҳаракатланиб, фақат иложсиз пайтдагина иссиқ қўраларда бойитилган рацион асосида боқишяпти. Шу туфайли Ниёз Ғайбуллаев, Неъмат Муродов, Ҳазрат Ҳидиров, Ваҳоб Аҳмедов, Баҳриддин Шарипов, сингари ўнлаб жонкуярлар бош бўлган отарларда қишлов беталафот ўтмоқда.

Қоракўлчиларнинг янги йилдаги режалари юксак: ҳар юз бош совлиқдан 114 бошдан қўзи, ҳар бош қўйдан 2,5—3 килограммдан жун қирқиб олиш. Бунга эришишнинг асосий омили айни аёзли мавсум — қишловни беталафот ўтказишдир. Қишлов эса матонатни талаб этади. «Кўкча»лик яйлов баҳодирларининг шу кунги саҳродаги жасорати эса эл чорваси қишловдан албатта тўқ, соғлом ва семиз олиб чиқилишидан далолат бераётир.

Даврон БАҲРОНОВ.

МУАССИСЛАР:
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул:
Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.
«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.
Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083. Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 346-344-хоналар.
ИНДЕКС: 75487.

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

КЎҲНА ҚАЛЪА

ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Тарих саҳнасида пайдо бўлган ўзбек хонликларидан бири Хива — Ўрта асрларда мустақил давлат сифатида намоён бўлган эди. Янги хонликнинг аҳолиси энг қадимий даврлардан хоразмликлар деб, юксак маданият ва маънавият марказига айланган бу антиқий ўлка эса Хоразм номи билан жаҳонга машҳур бўлган. Асримиз бошларида ўзбек элатлари турар жойига қараб хиваликлар, бухороликлар, қўқонликлар, туркистонликлар каби атамалар билан ўзаро номланиши бежиз эмас эди. Чунки ўзбек миллати ҳали тўла шаклланиб етмаган миллий ўзлигини, ҳис-туйғуларини ҳудудий иқтисодий ва сиёсий-маъмурий бирлигини англаш даражасига етиб бўлмасдан Россия истилосидан кейин ўзбек улуси хонликлар ва Туркистон ўлкасига бўлиниб, дастлаб чоризм мустамлакаси даврида, кейин Октябрь тўнтаришлари сабабли ленинча миллий сиёсат асосида туркистонликлар тупроғи сунъий равишда янги маъмурий жиҳатдан парчаланиб юборилган. Оқибатда Совет республикалари бир неча давлатлар орасида бўлиниб кетган. Аммо ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ каби туркий халқлар маъмурий жиҳатдан гўёки мустақил давлатларга бўлинса-да, аслида марказлашган тоталитар тузум ҳам маҳаллий халқларни бошқаришга қулай қилиб, ўлка харитаси қайта тузилган эди. Барча туркистонликларни советлаштириш сиёсати билан ақидавийлаштирилган ленинча мафкура байроғи остида янги мустамлакачилик амалга оширила бошланганлиги чинакам мустақиллик ва эркинликларни чеклабгина қолмай, чоракам бир аср давом этган мустабидлик даврида миллий онг ва руҳ, ўзликни англаш, юксак маънавият ва ҳис-туйғулар, ниҳоятда бой тарихимиз муайян тор қолипга солиниб, шафқатсиз топталган эди.

Ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини билишга интилади. Бой тарихий мероси ва унутилмас саналари билан ғурурланади. Қадимий даврлардан буён Туркистон элида рўй берган хилма-хил сиёсий ва ижтимоий ҳодисалар бир вақтлар Европа ва Осиёни ларзага келтирган тарихий воқеалар, ўтмишда кўп жамиятларни тубдан ўзгаришига ва ҳар хил элатларни бириктириб, этник жараёнларга сабаб бўлган қудратли давлатлар, ноёб моддий ва маънавий обидаларнинг пайдо бўлиши башарият маданиятининг кўҳна марказларидан бири Хоразм билан боғлиқ. Ўтмишнинг барча ижобий анъаналарини сақлаб келган, халқнинг табиий истеъдоди, буюк жасорати, ҳақиқий меҳнатсеварлиги туфайли ажойиб маданият яратган, ҳозиргача нафосат ва гўзаллик, бунёдкорлик ва ижодкорликда намуна бўлиб келаётган Хоразм воҳаси бутун ўзбек элининг фахридир. Унинг аҳолиси тарих саҳнасида қайси номда пайдо бўлмасин, умуминсоний қадриятлар яратишда, айниқса жаҳон маданияти хазинасини бойитишда жуда катта ҳисса қўшганлигини кейинги ярим асрдан ошиқ даврда бепоён Қизилқум ва Қорақум саҳроларида, Аму ва Сир дарёлари қуйи оқимида топилган юзлаб тарихий обидаларнинг тадқиқ қилиниши бу ерда яшовчи аҳолининг этник тузилиши, моддий ва маънавий ҳаётининг ҳар томонлама ўрганилиши фикримизнинг аниқ далилидир.

Қадимги ХОРАЗМ. Бир неча минг йиллар давомида ўз қудрати ва ажойиб воқеаларга бойлиги билан тарих саҳифаларини тўлдирган афсонавий ўлка. Турли ирқдаги беҳисоб сайёҳ ва миссионерлар, олим ва ёзувчилар, шоир ва достончилар бу гўзал ва бой ўлканинг узоқ ўтмишини, иқтисодий ва ижтимоий тузумини, моддий ва маънавий, ҳаётини, маиший турмушини асрлар сари ўз замонасининг ғояларига асосланиб тушунишга ва таърифлашга интилиб келганлар. Аммо бу интилишлар ўзига хос маданиятни яратган, оламга ал-Хоразмий ва ал-Беруний каби буюк мутафаккир олимларни, истеъдодли шоир ва тарихчи сифатида танилган Абулғози ва Мунис. Огаҳий ва Баёнийларни етказиб берган Хоразмнинг шаклланиши жараёнини, унинг кейинги даврдаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий қиёфасини Хивасиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Хива нафақат қадимги Хоразмнинг кейинги тўрт асрлик пойтахти, балки юксак маданияти ва маънавият маркази сифатида ҳам машҳур шаҳар, ажойиб тарихий обидаларни яратган ва сақлаб келаётган гўзал очиқ музейдир.

Хива деганда, биз ҳақиқатан ҳам, Машриқдан — Мағрибгача донғи кетган мутафаккир шоир, халқнинг севимли қаҳрамони, афсоналарга чулғанган авлиё Паҳлавон Маҳмудни тасаввур қиламиз. Ҳозиргача барча ижодкорларга илҳом бағишлаб турган бу буюк файласуф шоир Хива хонлиги пайдо бўлгандан сўнг унинг пойтахти ва қудратли қўнғиротлар сулоласининг ҳомийси (пири), деб танилиши ҳам бежиз эмас. Шу муносабат билан халқимизнинг севимли шоири Абдулла Ориповнинг жўшқин сатрлари эсга тушади:

Мадорсиз қўлимга қалам олганда,
Ё узоқ йўлларда ҳориб толганда,
Бир номард олдида ожиз қолганда
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,
Бўронли ҳисорга тўлганда руҳим,
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Кекса хивалик мулла Юсуф Отажонов этнографларга шундай бир афсонани ҳикоя қилган: «Бир замонлар Хиванинг ўрнида сувсиз дашт бўлган. Эски Ўрганч вайрон қилингандан сўнг, унинг аҳолиси ҳар томонга тарқалиб кетган. Шу жумладан, Полвон отанинг онаси ҳам ҳомиладор ҳолида Хива атрофига етиб келиб, ўша ерда ўғил туққан. Бу ўғил бола 15 ёшга етгач мард курашчи, машҳур паҳлавон бўлиб ном чиқарган. У узоқ мамлакатдаги бир хоқоннинг зўр паҳлавонларини енгган. Подшо хивалик баҳодирнинг кучига қойил қолиб, унга: «Сенга нима керак бўлса сўрагин», — дебди. Полвон ота хоқонга: «Менга бир хом (ҳўкиз териси)га сиғадиган одамлар берасан», — деб жавоб қилган. Шоҳ рози бўлибди ва ҳўкиз хомини келтиришни буюрибди. Полвон ота теридан ингичка тасмалар қийиб олган ва уларни бир-бирига боғлаб, узун камар қилиб шунга сиғгунча одамларни олиб Хивага жўнаб кетади. Амударёга келгандан сўнг ундан ҳассаси билан чизиқ ўтказиб Хивагача етказган, ҳасса изи канал бўлиб сув бўлиб оқа бошлаган. Шундай қилиб Хива сувли бўлиб, у билан келган одамлар шаҳар аҳолисини ташкил қилган».

Бутун Хоразмда кенг тарқалган қаҳрамон авлиё тўғрисидаги бошқа афсона ўзининг мазмуни ва бадиийлиги билан жалб қилади. У авлоддан авлодга ўтиб бизгача етиб келган. Хонқалик мулла Саъдулла Раҳматуллаев бу афсонани шундай баён қилган:

«Рум подшоси тантанали байрам, ўтказадиган бўлиб, унга олдиндан тайёргарлик кўрдирган. Меҳмонлар учун олтин ва кумушдан махсус лаганлар ишланиб, ош тортилгандан сўнг қимматбаҳо идишларни меҳмонларга ҳадя қилишга мўлжалланган. Рум шоҳи Хива хонини ҳам таклиф қилган. Хон созчи ва ашулачилар, масхарабозлар ва паҳлавонларни ҳам олиб келади. Кечки берилган базмда мезбон эрталабки тантаналарда паҳлавонларнинг беллашуви бўлишини эълон қилган.

Хива хони билан Паҳлавон Маҳмуд ҳам келган. Маҳмуд курашдан олдин қабристонга бориб авлиёлардан мадад тилаб қироат қилган ва шу ерда ётиб қолган. У қабристонда дод-фарёд қилиб йиғлаётган бир кампирни учратади. Полвон ота кампирдан нима тўғрисида фарёд қилаяпсиз, деб сўраган. Кўз ёши тўлиб ибодат қилаётган кампир жавоб берган: «Менинг якка ягона ўғлим бор. У паҳлавонлик қилиб кун кечиради, мени ҳам боқади. Хивадан бир паҳлавон келган эмиш, ўғлим у билан беллашар экан. Эртага мусобақа бўлар экан, шунда ўғлим енгилиб мағлубиятга учраса мен боқувчимдам айриламан. Шунинг учун мен авлиёлардан ўғлимни енгишини дуо қилиб сўраяпман». Полвон ота кампирга раҳми келиб, ибодат қилишдан кечиб, қайтиб кетибди. Кампир эса қабристонда қолибди.

Эртаси сайилгоҳга одамлар тўпланишган. Тўй эгаси ва меҳмонлар ҳозир бўлган. Паҳлавонлар беллашуви бошланган. Полвон ота билан кампирнинг ўғли беллашган. Хиваликни бир неча марта ерга ётқизгач Полвон ота: «Мен барибир курашда ютқизишни қарор қилдим, аммо ўз кучимни кўрсатишим керак», — деб ўз рақибини баланд кўтариб бир неча қадам узоққа отиб ташлаган. Кейин у атайлаб, тиззаси билан йиқилиб, ўзини таслим бўлганлигини билдирган. Буни кўрган Хива хони аччиғланиб ўз паҳлавонига сайлни ташлаб кетишни буюрган. Ҳазрат енгсиз паҳлавон кийимида тантаналарни тарк қилиб, Хива девонбоши муҳри босилган ёрлиқ билан ёт шаҳарга чиқиб кетган.

У қоронғу кечгача дайдиб юриб-юриб, охири бир серҳашам уйга бориб меҳмон олишни сўраган. Уй хизматкорлари уни ҳайдаб юборганлар. Яна бир уйга борса, у ерда созандалар ва раққосалар истиқомат қилишар экан. Бошпана сўраган Полвон отадан раққосалардан бири кимлигини айтишни талаб қилган. У бўлган воқеани баён этган ва бир кеча меҳмон бўлишни илтимос қилган. Раққоса унга қолишига ижозат берган. Полвон ота раққоса билан шу ерда қолган ва юртига кета олмай шу ерлик бўлиб яшай бошлаган. Кейин маълум бўлса, бу маҳалла асли хоразмликлар маҳалласи экан, улар бу ерга 60 — 70 йиллар муқаддам келиб жойлашиб қолганлар.

Шу тўйдан бир неча йиллар ўтгач, унда бўлган воқеанинг асл сири очилиб Полвон ота жуда машҳур бўлиб хурмати анча ошган. Рум подшоси паҳлавоннинг олийжаноблик фазилатини улуғлаб Хива хонига мактуб жўнатади. Хон вазирига курашда ютқизган паҳлавонни топишни буюради. Бу мушкул вазифани бажариш анча қийин бўлган. Чунки орадан 40 йил ўтган эди. Шунда подшоҳнинг ҳукми билан махсус дўкон очиб, уни мол билан тўлдирган ва шундай деб эълон қилган: «Рум подшоҳи тўйида енгилган паҳлавон орангизда бўлса, келиб шоҳ атаган совға — саломларни олсин». Аммо ҳеч қандай дарак бўлмаган, ўзини паҳлавонлигини тасдиқлайдиган хужжатли ҳеч ким топилмаган.

Бу хабар Хива хонлигида ҳам кенг тарқалган. Хон махсус арава қўшиб, Полвон отани топиб келишга одамлар юборган. Улар Рум подшосининг ўлкасига етиб бориб, созанданинг уйини топиб, Полвон билан кампирни учратганлар. Хон вакиллари уни дарров Хоразмга олиб кетмоқчи бўладилар. Аммо собиқ раққоса кампир қарши чиққан. Паҳлавонга қараб «Сиз хоннинг ҳузурига бориб катта мансабли бўласиз. Бизлар ҳам сиз билан юртимизга кетамиз. Бизлар сизни едирдик-ичирдик, энди ташлаб кетмоқчимисиз? Хондан 60 арава талаб қилинг, биз ҳаммамиз Хоразмга кўчиб борамиз!». Кампирнинг шарти қабул бўлиб, оқибатда бир вақтлар Рум элатига келиб қолган хоразмликлар Полвон ота билан юртига равон бўлган эканлар.

Улар Хоразм чегарасидаги Дошсақога етгач Полвон барча ҳамроҳларини тўплаб, мана ватанга келдингизлар, энди ҳар ким ўз уйларига, эски хонадонларига тарқалсин, деб мурожаат қилган. Унинг ўзи билан 5—6 оила қолган. Сўнгра ўзининг ҳайбатли ҳассаси билан Амударё соҳилидаги тошқояни ёриб, Хива томон йўл олган. Унинг судралган ҳассасининг изидан ариқ тўла сув оқа бошлаган. Шундай қилиб Полвонёп пайдо бўлган экан. Ҳазрати Полвон ота Хива яқинидаги Зари-шайтон қишлоғига етганда (бу ерларда заргарлар яшаган), маҳаллий аҳоли ариқ давомини ўзларимиз қазиймиз, деб тўхтатган. Бундан норози бўлган Полвон ота ҳассасини эгнига артиб, ғазаб билан заришайтонликларни койиб, йўлига равона бўлган. Ўша ердан бошлаб, маҳаллий аҳоли ҳар йили Полвонёпни қазиб турадиган бўлган экан. Полвон отани хон саройга таклиф қилганда у ўз ёрлиғини кўрсатган. Шундан сўнг Паҳлавон Маҳмуд совға-саломлар билан тантанавор кутиб олинган ва юксак мансабларга кўтарилган. Унинг улуғлигини тасдиқлайдиган иккилик шеъри ҳозиргача шоирнинг гумбазли қабрини безаб турибди».

Мазкур афсона ва ривоятларнинг бошқа муқойиллари ҳам хоразмликлар орасида кенг тарқалганлиги Паҳлавон Маҳмуднинг нақадар донишманд, буюк халқпарвар шоир эканлигини ёрқин намойиш қилади. Уни замонасининг илғор ва равшан фикрли файласуф олими, катта истеъдод ва заковат эгаси, шоирлик мушоҳадаси жиҳатидан «Хоразм Ҳайёми», деб танилиши бежиз эмас. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Паҳлавон Маҳмуд шеърда ҳам, фалсафада ҳам Умар Ҳайёмнинг заковатли давомчисигина бўлиб қолмай, балки нафақат форсий, туркий халқлар адабиётида ҳам Ҳайёмдан сўнг рубоий ёзишда унга тенг келадиган шоир йўқ. Ҳатто Жомий, Навоий, Фузулий, Бобур каби буюк шоирлар ҳам ўз кучларини рубоийда синаб кўрсада, бу жанр уларнинг ижодида иккинчи ўринда турган. Фалсафий ва бадиий ғояларини асрий руҳида ривожлантириб ҳайёмшуносликни юксак даражага кўтарган Паҳлавон Маҳмуд Шарқ адабиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг теран мазмунли, нафис ва ўйноқи, зўр санъаткорона рубоийлари «ҳайёмона» руҳда эканлигини қаранг:

Кел кўнгул, мен ахтарай жононани,
Кўча-кўю ҳар эшик, ҳар хонани.
Масту майхўрмиз мудом Ҳайём сифат,
Дўзах этгаймиш қабул мастонани.

Бундай сатрларни ўқиган киши шоирнинг дунёқарашининг қудратини унинг инсонпарварлик туйғуларини ҳам сезади. Асли тасаввуф тариқатининг пантеизм (ваҳдатул мавжуд) оқимига мансуб Паҳлавон Маҳмуд инсоннинг ақлий ва ижодий имкониятларига юксак баҳо беради.

Мавжуд адабиётлар, афсона ва ривоятлар, бошқа тарихий манбалар асосида Паҳлавон Маҳмуднинг ҳақиқий таржимаи ҳолини тиклашда зўр хизмат қилган, унинг ноёб рубоийларини нашрга тайёрлаган Тўхтасин Жалолов қуйидагича таърифлайди: Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Паҳлавон Маҳмуднинг туғилиб яшаган даври Хоразм тарихидаги энг оғир мусибатлар келтирган Чингизхоннинг қонли юришларидан кейинги ўн йилликларга тўғри келган. Шундай даҳшатли балоларни бошидан кечирган ватанда, унга етгазилган катта жароҳатлар ҳали битиб улгурмаган бир даврда дунёга келган буюк забардаст шоирнинг қалби денгиз тўлқинларидек қайнаб қуйлаганлиги кишини ҳайратда қолдиради. Унинг кўп қиррали амалий ва ижодий фаолияти шунча зўр бўлганки, шоир вафотидан кейин узоқ ўтмай катта авлиёлар қаторига киритилган, мақбараси эса зиёратгоҳга айланган.

Хива тўғрисидаги тарихий маълумотлар дастлаб илк ўрта аср манбаларида учрайди. Уни биринчи марта X аср муаллифи Истахрий тилга олади. «Хоразмда пойтахт шаҳридан ташқари,— деб ёзади у, қуйидаги шаҳарлар: Дарғон, Ҳазорасп, Хива, Кардар ва Андархушмисан бор». Хивада ўша даврда бўлган ажойиб географ олим Мақдисий ҳам шундай хабар беради: «Хива йўл чеккасида жойлашган; бу катта шаҳар бўлиб, канал қирғоғидадир, у ерда ҳашаматли Жоме мачити бор. Ёғоч дарвозалар ва ҳандақлар билан ўралган, Кардаранхас ва Хазорасп ҳам шундайдир». Унинг таърифича: «Ҳайвок ёки Хивак—Хоразм ҳудудидаги шаҳар ва қалъа. Улар ўрталарида 15 фарсах масофа бор, Хоразм аҳолиси уни Хива деб атайдилар». Кейинчалик Хивага оид анча қизиқарли маълумотлар Низомиддин Шомий (XIV аср), Абдураззоқ Самарқандий ва Мирхонд (XV аср) асарларида учрайди. Кейинги асрларда Хива тўғрисида маҳаллий, рус ва чет эллардан келган муаллифларининг турли асарларида ҳар хил маълумотлар келтирилган.

XIX аср бошларида пайдо бўлган Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хевақийнинг «Дилғаройиб» номли асарида Хива тарихига оид айрим маълумотлар диққатга сазовор. У Хоразм шаҳарларини таърифлаб, шундай баён этади: «Бу мамлакат қалъаларидан яна бири Қалъаи Рамлдир. Унга Сам ибн Нуҳ томонидан асос солинган бўлиб, Хейвак номи билан машҳурдир. Яна айтадиларки, бу сўзда (Хевак) ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд Вали ўлими тарихи яширинган. Шундай қилиб, у тарихда шаҳарнинг номи бўлиб қолган.

Қалъанинг олдинги номи эса Рамл бўлиб, «қум билан тўлган жой», деган маънони англатади. Айтадиларки, кунларнинг бирида Ибн Нуҳ овдан кейин шу ерда ётиб қолади ва уйқуга кетади. Уйқусида у туш кўради. Гўёки уни уч юзта олов турли томондан қуршаб олган эмиш. Яхши кайфиятда уйғонган Сам ибн Нуҳ ўзидан ёдгорлик қолдиришга қарор қилади. Бу жойга тупроқ тўлдириб шаҳар қуради. Кейинги келишида эса уни қалъа деворлари билан ўраб, ғарб томонида булоқ оқизади... Айтишларича, Хевак кейинчалик кўп марта харобага айлантирилган ва қайта тикланган. Ҳозирда эса у жуда кўркам. Шаҳари унча катта бўлмаган, ҳозир эса уни бир вақтлар беш-олти таноб жойни эгаллаган қўл эвазига кенгайтирганлар.

Мазкур баёнотда икки нарсага эътибор қилиш зарур: биринчидан, шаҳарнинг энг қадимий даврларда пайдо бўлганлигига шама қилиниши (масалан, халқ афсоналаридаги Таврот образлари билан боғлиқ Сим ва Нуҳ даври); иккинчидан, археологик кашфиётлар исботлаган Хиванинг қурилиши тарихига анча тўғри келиши шаҳарнинг қумтупроқ устида қурилиши) каби маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу мазмундаги халқ орасида тарқалган афсона ва ривоятлар ҳам Хива шаҳрининг пайдо бўлиши ниҳоятда узоқ тарих билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Этнографлар томонидан Хивада ёзиб олинган ривоятлардан бирида шундай ҳикоя қилинади: Хива шаҳри узоқ ўтмишда пайдо бўлган. Бу шаҳарни азалдан «сартлар яшаб келган жой», деб ҳисоблаганлар. Қалъанинг қурилиши Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сим билан боғлиқ. Унгача бу ерда аҳоли яшамаган. Нуҳ шаҳар тиклашга бош бўлиб, уни қуриб бўлгач «Қалъаи Рек» деб номлаган ва унга ўз наслидан чиққан бир гуруҳ кишиларни кўчириб олиб келиб жойлаштирган. Сим авлодларини «сартлар», деб атай бошладилар. Кейин бу ерга ўзбеклар келиб ўрнашган.

Хиваликларнинг таърифича, қадим даврларда бу шаҳар ўрнида чўл (дашт) бўлган ва бу ердан Марвдан Хоразм пойтахти Кўҳна Урганч (Гурганж)га олиб борадиган савдо йўли ўтган. Ҳозирги Ичон қалъа ўрнида битта қудуқ бўлган, унинг номи Хевак дейилган. Хиванинг пайдо бўлиши ҳам шу қудуқ билан боғлиқ эмиш. Ҳозиргача кимки Хивага келмасин, уни ўша қудуқ жойлашган ҳовлига олиб борадилар. Бу тарихий обида Мадраим Саидовга қарашли уйнинг ҳовлисида авайлаб сақланиб келмоқда ва ҳозир ҳам «Хевак» деган номда бўлиб, тиниқ ширин сувли машҳур қудуқ. Шу қудуқ номи билан шаҳар аталган, дейишади. «Хевак» атамасининг ҳам қадимийлигини инобатга олиб шаҳар тарихи узоқ даврларга оид деган фикрни ахборотчилар қайта-қайта айтардилар.

Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, мазкур афсоналарда шаҳарнинг келиб чиқишини асослашда чўлу-биёбонда сув манбаи — қудуқ билан боғланиши ва унинг теварагида одамлар пайдо бўлиши минтақадаги табиий шароитга тўғри келиши ҳам реал манзарани тасвирлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатан ҳам Ичон қалъанинг қурилиш заминида қум қатламлари мавжудлиги аниқланган.

Хиванинг ёшини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар анча самарали натижалар берган. 1984—85 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ филиали олиб борган археологик қазишмалар Хиванинг ҳозирги ўрнида эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланувчи аҳоли яшаганлигини исботлайди. Бу ерда ҳар хил ноёб буюмлар — хум парчалари, қадаҳлар ва бошқа ашёлар, қурилиш иншоотларининг қолдиқлари, айниқса тўғри бурчакли квадрат шаклидаги минорали деворлар билан ўралган Ичон қалъа эрамиздан аввалги IV—III сарларда пайдо бўлганлигини аниқ кўрсатади. Хивадан 15—17 километр шимолий-ғарбда қад кўтарган қалъаларнинг харобалари ҳам ўша даврга оид. Кушон даврида (I—IV асрлар) ҳаёт Ичон қалъа ташқарисида давом этган. Атоқли ўзбек олими Я. Ғ. Ғуломов ўтказган тадқиқотлар ҳам Ичонқалъа ва унинг теварагида ҳаёт бўлганлигини тасдиқлайди. Кейинги стратеграфик қазишмалар натижасида Ичон қалъа ҳудудида қадимги қалъа деворлари ва сопол идиш топилмалари эрамиздан аввалги IV—III асрларга оид эканлиги аниқланган.

Ичон қалъа ва Тупроққалъа деворлари кейинроқ қайтадан тикланган. VI—VIII асрларда бу ерда ҳаёт анча жонланган, теварак-атрофдаги ерлар ўзлаштирилган. Хива ҳудудидаги қадимги деворлар атрофида Хоразмнинг ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг ҳовли типидаги уйлари ва феодал қасрларининг харобалари яқин даврларгача сақланган. Бунга мисол бу даврга оид Оқших-бобо ва унинг жануби-шарқий қисмидаги квадрат шаклда қаср харобалари. Тарихий манбаларга қараганда, IX—XI асрларда Кўҳна-Арк ҳудудида, Оқмачит туман ва Полвон-дарвоз атрофларида ҳаёт давом этган. Хиванинг янгидан гуллаб яшнаши, айниқса унинг ғарбий ва марказий қисмида ҳаётнинг жонланиши XII—XIII асрларга тўғри келади.



Мўғул истилосидан кейин шаҳар бир неча марта талонторож қилинишига қарамай, ҳаёт унда давом этиб, айрим иншоотлар қурилган. Чунончи, Ичонқалъа доирасида Шоқаландар бобо манзилгоҳи ва Шоҳимардон карвонсаройи вужудга келади. Хива шаҳрининг деворлари XIII асрнинг иккинчи ярмида йиқилар ҳолатга келган эди. Кейин аср охирларида қалъа деворлари таъмирланиб қайта тикланади. XV—XVI асрларда шаҳарда ҳаёт бир оз сўна бошлаган эди, бироқ Хива хонлиги ўрнатилиши ва пойтахтнинг бу ерга кўчирилиши билан Хива чинакам равнақ топа бошлайди, Ичонқалъа деворлари янгидан қурилади. Ҳашаматли бинолар пайдо бўлади. Мўғуллар истилоси ва улар ўрнатган зулм нақадар оғир бўлмасин, халқ ижодкорлиги ва бунёдкорлиги сўнмаган. Мўғуллар келтирган оммавий харобаликдан кейин ҳам узоқ вақт ўтмай Хива ва унинг теварагида аввалги меъморчилик анъаналари янги ғоялар, янги техникавий ва бадиий услублар билан бойиб, ривожланиб бораверади. Ўша даврда ёрқин юлдуздек бадият осмонида чақнаб чиққан Паҳлавон Маҳмуд каби донишмандларнинг пайдо бўлиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аммо XIV асрларда бу ерда бутун Мовароуннаҳрдагидек ҳокимият учун мўғул хонлари ва маҳаллий ҳокимлар ўртасида қизғин ўзаро курашлар давом қилиб турганлиги ўлканинг аҳволини анча кескинлаштирган эди.

Ўзбек элатларининг ўтроқ ҳолатга ўтиши анча узоқ давом этиб келган. Этнографик ва тарихий маълумотларга қараганда, Хива хонлигида то XX аср бошларигача ўзбеклар ўтроқлашган турмуш тарзига ўтса-да, пахса уйлар билан бир қаторда эскича кигиз ўтов (қора уй)ларда ҳам яшаганлар. Маълумки, кейинги Хива хонлари ҳам тош ҳовли ичида махсус ўтов ўрнатганлар. Этнографлар қайд қилганидек, суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи туб аҳоли — «сарт»ларнинг келгинди ўзбекларга таъсири шунча зўр бўлганки, асримиз бошларида улар, айниқса, хонликнинг жанубий қисмида, кўчманчилик анъаналарини деярли бутунлай йўқота бошлаганлар. Ўтроқлашиш жараёнида улар маҳаллий аҳолидан суғориш деҳқончилигининг мураккаб тартиб-қоидаларини ўргана бориб, ўз навбатида бу ҳолат «сарт»лар ва «ўзбек»ларнинг даставвал хўжалик, кейинчалик эса маданий-маиший жиҳатдан яқинлашишига олиб келди. Хива воҳасининг жанубий қисмидаги ўтроқлашган ўзбеклар шимолдаги уруғларига нисбатан тезроқ уруғ-қабилавий бўлинишларини унута бошладилар. Аммо ўзларининг «ўзбек» номини сақлаб қолдилар. Таниқли ўзбек олими, академик Я. Ғуломовнинг таърифича, асримизнинг бошларига келиб Хоразмда ўзбек уруғ-қабилалари қуйидагича жойлашган: қўнғирот ва қтайлар Гурлан ва Шовот туманларида, манғитлар Гурлан ва Анбар Манақда, қиётлар Шовот туманларида, қипчоқлар Урганч, Шовот ва Қўшкўпир туманларида, дўрмонлар Урганч ва Анбар Манақда, хидир эли Урганч ва Хивада, тама Хонқа, Боғот ва Янгиариқ туманларида найманлар асосан Питнакдан тортиб то Янгиариққача ва Урганч шаҳри атрофигача, Хазорасп туманигача катта ҳудудга тарқалганлар. Уйғурлар ҳам кўп туманларга тарқалиб жойлашганлар. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Хўжакўлдан тортиб Кўкўзаккача бўлган барча ерлар қанғли-қипчоқларга қарашли бўлган. Улар билан ўн тўрт уруғ-қабила ўрнашган. Бундан ташқари Хива атрофида турли уруғ-қабилалардан ташкил топган унча катта бўлмаган этник гуруҳлар ва қабила вакиллари бўлган. Айниқса, қиётлар билан қўнғиротлар Хивадан Янгиариқнинг ўрта оқимигача катта ҳудудини эгаллаганлар.

XVIII асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Хива хонлигида юқори мансабларни эгаллаб олган қўнғирот иноқлари ўртасида кескин кураш бўлиб турган. Бу кураш асли тахт талашиш бўлиб, асосан бир томондан Элтузар хон кейинчалик Муҳаммад Раҳим ва иккинчи томондан Тўра Мурод сўфи ва Хўжамуродлар орасида олиб борилган. Оқибатда Муҳаммад Раҳим ғалаба қозониб, қўнғирот сулоласи ҳокимият тепасига келиб,— мустаҳкам ўрнашиб олгач, Хива хонлигининг шимолий ва жанубий қисмлари бирлаштирилади. Мазкур сулола вакиллари ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда табиийки, ўзбекларнинг асосий уруғ-қабила зодагонларига таяниб иш кўрганлар. Муниснинг хабар беришича. Муҳаммад Раҳимхон томонида қипчоқ,кенагас, қўнғирот, қиёт, нукуз, манғит, жалойир; қатағон, найман, қанғилиларнинг вакиллари бўлган.

Хонликда ўзбекларнинг мустаҳкам ўрнашиб олиши бу ерда ўзбеклар таъсирининг кучайишига олиб келди. Оқибатда, тадқиқотчиларнинг қайд қилишича, «...Ўзбек номининг ўзи бора-бора Хива хонлигида яшовчи аҳолининг барчасига нисбатан ишлатила бошлади». Ҳозирги Хоразмда, жумладан, Хива ҳам ўзбек қабилалари маҳаллий аҳоли билан бутунлай аралашиб кетиши натижасида уларда уруғ-қабилавий бўлинишлар ва уруғчилик турмуш тарзи мутлақо йўқолиб кетган. Аммо, В. В. Бартольд қайд қилганидек, Хоразм ўзбекларининг этник қиёфасида, тилида ва маиший-маданий турмушида ўзига хослик сақланиб қолган.

Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи унда яшовчи барча фуқароларнинг ўз халқи олдида фарзандлик, ватанпарварлик бурчини адо этишда ўз юртининг мураккаб тарихини, этник хусусиятларини аниқ билишини тақозо этади. Хиваликлар ҳам бутун Республика аҳли бирла она шаҳрининг шонли 2500 йиллигини шарафли нишонлаш мақсадида мустақиллик ғояларига садоқатлик билан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаб, халқимизнинг тарихий тажрибасига таяниб бунёдкорлик фаолиятини кўтаринкилик билан намойиш қилишига тайёр эканлигига шубҳа йўқ.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

• Тўйҳат ўрнида

БИЗНИНГ ҒАФУР АКА

Барваста бўйи, истараси иссиқ, чеҳрасидан доим нур ёғилиб, кулиб турадиган бу камтарин, ширинсўз сиймони нафақат азим Тошкентимизда, бутун республикамизда каттаю-кичик ҳамма яхши танийди. Тўю-тантаналарда, юбилей кечаларию, ҳар хил маросим йиғинларда ҳозиру-нозир. Дилкаш муомаласи билан барчанинг кўнглини оладиган, яхши гаплар билан руҳини кўтарадиган ана шу табаррук инсон бугун ўзининг 80 йиллигини нишонламоқда. Эртага 80 ёшдан сакраб ўтадиган, ҳали ҳам спорт билан шуғулланиб, серҳаракатлиги билан тенгдошларини қойил қолдириб юрган, ақл-заковати тиниқ, ғайрат-шижоати жўш уриб турадиган бу инсон ҳурматли акамиз Ғафур Ғиёс ўғли Юсупов бўладилар.

Ғафур аканинг таржимаи ҳоли ўзи каби камтар ва оддий. 1914 йили Тошкентда туғилиб ўсган. Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишида ғишт терувчи, ошпаз бўлиб ишлаган. 1936—1938 йилларда комбинат ҳузуридаги, кейинчалик Москвадаги тўқимачилик саноати учун махсус мутахассислар тайёрлаш билим юртини тамомлаб, шу касб бўйича комбинатда меҳнат қилган. 1939 йилдан 1954 йилгача комсомол ва партия органларида раҳбарлик лавозимларда ишлаб, республикамизнинг Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида фаолият кўрсатган.

Мен Ғафур ака билан 1954 йилда — у киши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудири этиб тайинланган йили бир-икки оғиз гаплашдиму, катта ҳазина топиб олгандек ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Мафкура ишлари билан шуғулланувчи катта бўлим бошлиғининг сермулоҳазалиги, хушфеъллиги, дилкашлиги ва ёқимтой табассуми мени мафтун этди. У билан бамайлихотир суҳбат қуришни, қадрдон ака-укадек дўст бўлишни кўнглимга тугиб қўйдим. Янглишмаган эканман, мана, танишганимизга роппа-роса 40 йил бўлибдики, Ғафур ака устозлик ва акалик бурчини ҳалол, виждонан адо этиб келмоқда. Республикада мафкура ишига раҳбарлик қилган йиллари у ижод аҳли — журналистлар, ёзувчилар, адабиёт, маданият ва санъат ходимлари билан танишиб, уларнинг ҳулқ-атворини, иш қобилиятини қисқа вақт ичида яхши билиб олди. Улар ҳали ҳам Ғафур Ғиёсовични самимият ва ҳурмат билан эслаб юришади.

Бу йиллар ичида орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Ғафур ака 1957—1964 йиллари Самарқанд вилоятида обком котиби, оближроқўм раиси, 1964 йилдан икки йилча «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. 13 йил Ўзбекистон савдо вазиридек ғоят масъулиятли вазифада то пенсияга чиққунга қадар жондан куйиб, дилдан севиб, сидқидилдан халқига хизмат қилди, таниқли давлат ва жамоат арбоби сифатида элга танилди. У Олий Совет депутатлигига бир неча марта сайланди. Учта Меҳнат Қизил Байроқ, учта «Ҳурмат белгиси» орденлари, жуда кўп медаллар, «Республикада хизмат кўрсатган савдо ходими» деган юксак унвон — буларнинг ҳаммаси Ғафур ака хизматига берилган муносиб баҳодир.

Халқимизда яхшиларни — одамларнинг фариштаси, хислат-фазилатларнинг сариштаси деган нақл бор. Менинг тасаввуримда бу ажойиб хислатлар Ғафур акада ҳам намоён. Қалби пок, беғубор акамизнинг фикри-зикри одамларга ҳамиша эзгулик бағишлашдан иборат. Бағри кенглик, саховатпешалик, одамийлик, одиллик ва тўғри сўзлик унинг фазилати. Бу фазилат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эсимда Ғафур аканинг 60 йиллик тўйида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими, машҳур пазанда, марҳум Ориф ака Турсунов шундай деган эди:

— Ғафур акамларда гинахонлик, дағаллик, адоват бўлмайди. Узоқ вақт савдода ёнма-ён бирга ишлашиб, бирорта ножўя гап айтганини, кишилар кўнглини оғритганини билмадик. У кишидан ҳеч ким дил ранжида бўлмаган. Вазиримизнинг мақтови, яхши сўзлари савдо ходимлари учун мукофотдек туюларди.

Ўн уч йилдан ортиқ савдо вазирлигини бошқарган Ғафур Юсупов республикамизда савдо тармоқларини кенгайтириш, унинг моддий-техника базасини яратиш, савдо уйлари ва марказларини қуриш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида самарали ишларни бажарди, бу соҳада ўзига яраша из қолдирди, диёримиз савдо тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Унинг камолот ва истиқбол сари етаклаб келган шогирдлари беқиёс. Ғафур ака тарбиялаб вояга етказган, ўзига хос ва қобилиятига мос, ҳиммати баланд савдо ходимлари борки, улар ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳам уддабуронлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Эртадан кечгача вазирлик иши билан банд бўлган, интизомга ҳурмат билан қарайдиган Ғафур ака спорт билан шуғулланишга ҳам вақт топарди. У спорт турлари орасидан теннисга ихлос қўйган. Майдондаги эпчил, дадил ҳаракатлари билан тенгқурларини ҳайрон қолдирарди. Демакки, Ғ. Юсуповнинг ўн беш йил давомида республика Теннис федерациясининг президенти бўлганлиги тасодифий эмас эди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Франк номли шифокорлик ва жисмоний тарбия диспансери ташкил этилганига чорак асрдан ошди. Шундан бери қарийб 28 йилдирки, бу ерга қатнаб, сиҳат-саломатлик гуруҳига бошчилик қилиб келганлигини кўпчилик яхши билади.

Ғафур ака оилапарвар инсон. Унинг уч ўғли, уч қизи, 16 невараси ва 1 эвараси бор. Ғафур Ғиёсович билан ўрнак олса ва ҳавас қилса арзигулик, пиру-бадавлат бўлиб 50 йилдан зиёд ширин турмуш қуриб келаётган камсуқум рафиқаси Ҳайрихон аянинг сўзини эшитинг:

— Ғафур акангизнинг ғайратлари қўймайди. Қаҳратон қишми, жазирама ёзми — барибир, азонда уйғониб бир пиёла чой ичиб ҳали машиналар кўчага чиқмасданоқ Бешёғочдаги ўша соғломлаштириш уйига йўл оладилар. Ишларига ҳеч кечикмай борадилар. Давлат ишидан қайтиб келганларидан кейин ҳам тиниб-тинчимайдилар. Уйимиз атрофидаги дов-дарахтлар ва гулларни қайчилаш, тагини юмшатиш, суғориш билан завқ оладилар. Она заминга меҳр қўйсанг, кам бўлмайсан, деб фарзандларига насиҳат қиладилар.

— Бадан тарбиясиз ўтган кунимни эслай олмайман, кунига бир терлаб меҳнат қилмасам уйқум келмайди, эрта ўриндан туриб ҳаракат қилишда хосият кўп, — дейди Ғафур аканинг ўзи.

Эл орасида қадр-қиммат топган, кўпчиликка сарбон-етакчи бўлиб танилган бу олийжаноб инсонни ўтган йили Мирзо Улуғбек туманининг фаоллари туман маҳаллаларида тўй ва маъракаларни ўтказишни назорат қилувчи комиссия раиси этиб сайлашди.

80 ёшида ҳам тиниб-тинчимайдиган, қоматлари ҳали йигитлардек тик, республика Фахрийлар Кенгашининг аъзоси сифатида фаол қатнашиб келаётган Ғафур Ғиёсовичнинг жўшқин ва маънавий гўзал фазилатларига назар солсак, уларда шахсий ҳаёт жамоат фаолияти билан уйғунлашиб кетганлигини, халқ ва давлат манфаатлари учун қалбдан, жондан хизмат қилиш ҳиссиёти туғён ураётганлигини сезамиз. Ғафур аканинг ўзи яшаб турган Абулқосим Фирдавсий маҳалла қўмитасининг оқсоқоли ва ўзбек ишбилармонларининг савдо-тижорат ва бозор иқтисодиёти газетаси — «Савдогар» таҳририятида бош маслаҳатчи сифатида шу кунларда кўрсатаётган фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ.

Ҳурматли Ғафур ака! Таваллуд топган кунингизнинг 80 йиллиги билан чин дилдан қутлаймиз, ана шу айёмни кенг жамоатчилик вакиллари сафида биз, матбуот ходимлари ҳам нишонлаётганлигимиздан беҳад шодмиз. Забардаст, меҳридарё устозга тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашишни Яратганнинг ўзи насиб этсин!

Зиёд ИСЛОМ ўғли.

• Маданият янгиликлари

«ТЕМИР ХОТИН» ХАЛҚ ТЕАТРИ САҲНАСИДА

Шароф Бошбековни биласиз... Ҳа, ўша «Темир хотин»нинг муаллифи-да. Ўзи ижодкор одам кўп ёзмасин экан, аммо зўр ёзсин экан. Мана сизга мисол. «Темир хотин»ни Фарғона театри саҳналаштирдими — саҳналаштирди, асар кинолаштирилдими — ҳа, энди ҳамма кўрди, томоша қилди — мукофот ҳам берилди... Аммо Шароф Бошбековнинг бахти шундаки, «Темир хотин» эскирмайдиган, бировнинг бир кўргач меъдасига тегмайдиган асар. Аҳамиятини айтмайсизми? Бўлмаса, унга қайта-қайта мурожаат қилаверишга на ҳожат?

Хуллас, суратнинг қандай мазмунда эканини тушундингиз. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, асар бу гал Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани халқ театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилди. Бу ўринда Қўчқорвойнинг Аломатни никоҳига олаётгани акс этган. Асарнинг муваффақиятли саҳналаштирилган-саҳналаштирилмаганини уни томоша қилганлар баҳоласин.

Ҳ. ЭРМАТОВ.

«ИНСОНЛИККА НОМЗОД»

● Шундай асарлар бўладики, томошабин интизорлик билан кутади, қайта-қайта кўришга интилади. Ана шундай асарлардан бири драматург Максим Каримовнинг «Инсонликка номзод» пьесасидир.

Куни кеча инсонийлик, яхшиликнинг умри мангулиги, эътиқод ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур спектакль Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги ҳаваскорлар театри саҳнасида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Спектаклни иқтидорли режиссёр Ҳусанбой Қаҳҳоров саҳналаштирган. Спектакль руҳига мос саҳна безакларини рассом Насибжон Ҳакимов ишлаган. Мусиқаларни Абдужалил Аҳмедов танлаган. Спектаклдаги асосий ролларни ҳаваскор артистлардан Дилбархон Отажонова, Фотимахон Мирабдуллаева, Раънохон Охунова, Баҳодир Отабоев, Турсунбой Юнусов, Олим Шариповлар маҳорат билан ижро этганлар.

БИР КИТОБДАН АЙТАЙИН

● Халқ ҳаваскорлик жамоаларининг концерт дастурлари ўзига хослиги, миллий анъаналаримизни мужассам этганлиги билан ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Ана шундай ансамбллардан бири «Китоб гуллари» ашула ва рақс дастасидир.

Улар Қашқадарё воҳасининг куй ва қўшиқларини, ўлан ва айтишувлари, бахшилар хонишлари билан доимо янгилаб, бойитиб бораяптилар. Ижодий жамоа яқиндагина мухлислар ҳукмига ҳавола этган «Қашқадарё оҳанглари» концерт томошасида бу қадимий ва навқирон ўлканинг миллий урф-одатлари, удумлари асос қилиб олинган бўлиб, момоларимиз куйлаган ўтмиш садоларидан тортиб замонавий халқ қўшиқларини ҳам ўз ичига жамлаган. Қўшиқ ва мусиқа шайдолари ансамблнинг янги дастурини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Дастурни режиссёр Шерқобил Иброҳимов саҳналаштирган. Ансамбль иштирокчиларидан Бўрибой Баҳромов, Файзулло Турсунов, Мирзаулуғ Бобоев, Гўзал Ғоипова, Абдураҳмон Ваҳобовлар ижро этган куй ва қўшиқлар мириқиб томоша қилинмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

• Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

АЙБ КАЙФДА ЭМИШ...

Айбдор ҳақида қисқача маълумот: Баҳодир Хўжаев, 1968 йил 4 февралда Хўжаобод туманида туғилган. Оилали. Маълумоти ўрта. Илгари судланмаган. Андижон вилоятидаги «Хўқанд» ғишт заводида оддий ишчи бўлиб ишлайди. У қилган хатоси ва бўлган воқеани қуйидагича ҳикоя қилади: «Ҳақиқатдан ҳам Гулистон шаҳар, Лермонтов кўчаси, 30-уйга қайнонам Раъно Абдураҳмонованикига меҳмон бўлиб келганман. Кутилмаганда Гулистон шаҳар вокзалидаги ресторанда нотаниш қўқонлик йигит билан танишиб, овқатланиб, икки шиша ароқни «уриб» қўйибмиз. Кейин темир йўл шоҳбекати навбатчиси Раҳматилла Абдураҳмонов олдига кирганим, билет олиб беришни талаб қилиб, пичоқ кўрсатганимни, безорилик қилиб ҳаммани ҳақоратлаганимни, темирйўл кассаси олдида турган Олимжон Ориповдан пул талаб қилиб, унга пичоқ уриб қўйганимни сира эслай олмайман»...

Айбланувчи чиндан ҳам мастлик билан қилган ишини эслайдими, йўқми бизга ҳам қоронғи. Лекин воқеани кўриб турганларнинг гувоҳлик беришича, манзара бошқача касб этган. Унинг турмуш ўртоғи Адиба Абдураҳмонова эрининг маст ҳолда келганини, кийимларида қон доғлари, киссасида 12 минг сўмча пули борлигини, ҳеч нима демай чиқиб кетмоқчи бўлганида қўлга олинганини баён қилди. Яна бир гувоҳ—Мақсуда Бегматова эса Баҳодирни касса олдида навбатда турганларни ҳақоратлаб, йўловчи Олимжон Ориповдан 130 сўмни тортиб олгани ва қаршилик кўрсатганда кўкрагига пичоқ санчганини айтиб берди.

Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, деганлари шу-да. Меҳмонга келган одамнинг шу аҳволга тушишини ким ўйлабди, дейсиз. Яқинда Гулистон шаҳар суди қилинган жиноятни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 15—127-моддаси 2-қисми билан Баҳодир Хўжаевни 8 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди.

С. ЮСУПХОНОВ,
Ховос транспорт прокурори ёрдамчиси.

СПОРТ

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

● Мамлакат биллур совринини учун курашувчи футбол жамоалари ўртасида қуръа ташланди.

10 март куни дастлабки учрашувлар ўтказилади. Хусусан «Зарафшон» (Ромитан) — «Бўстон» (Жиззах) ҳамда «Толачи» (Боёвут)—«Мебелчи» (Янгиер) жамоалари майдонга тушадилар. 14 март куни такрорий ўйинлар бўлади. 3 апрелда эса соврин учун курашнинг 1/16 финал ўйинлари бошланади. 17 июлда Ўзбекистон кубогининг соҳиби аниқланади.

«НЕФТЧИ» САФАРИ

● Бугун Ўзбекистон миллий чемпионатининг ғолиби Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари Москва сафарига йўл оладилар.

Маълумки Москвада МДҲ чемпионлари ўртасида мавсумолди турнири иккинчи марта ўтказилмоқда. 16 жамоа 4 гуруҳга бўлиниб ўзаро куч синашади. Мусобақа иштирокчилари ва ғолибларига алоҳида пул мукофотлари бериш кўзда тутилган. «Нефтчи» 40 кишилик делегация бўлиб Москвага боради. Шундан 25 кишининг ҳаражатларини қоплашни ташкилотчилар ўз зиммаларига олишган. Футболчиларимиз дастлабки учрашувни шанба куни «Олға» жамоаси билан ўтказадилар. «Нефтчи» курашни ҳал қилувчи ўйингача давом эттиришни мўлжалламоқда.

БЎШ КЕЛМАДИ

● Красноярск шаҳрида эркин кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.

Таниқли полвон Иван Яригин хотирасига бағишланган бу мусобақа муросасиз баҳсларга бой бўлди. Беллашувда мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилган Николай Иванов бўш келмасликка ҳаракат қилди. У 48 килограмм вазнли курашчилар сафида астойдил беллашиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

● Москвада ногирон футболчилар жамоалари ўртасида «Рождество-94» турнири ўтказилди.

Ўн икки жамоа қатнашган бу мусобақада Тошкентнинг «Матонат» футболчилари ҳам иштирок этдилар. Жаҳон чемпиони бўлиб, жаҳон кубогини қўлга киритган матонатчилар учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказишга интилдилар. Лекин, жамоада етакчи ўйинчиларнинг иштирок этмагани туфайли 5-ўрин билан қаноатланилди.

ГИТЛЕР ТУҒИЛГАН КУНИДА-Я

● Ишқибозлар орзиқиб кутаётган халқаро ўртоқлик учрашуви қолдирилди.

Гап шундаки мусобақа ташкилотчилари Гамбург шаҳрида ўтадиган Олмония—Англия терма жамоалари учрашувини билмай 20 апрелга белгилашган экан. Олмония футбол уюшмаси вакили Вольфган Нирбаҳ ўз мулоҳазасини баён этди. Маълум бўлишича шу куни Адольф Гитлер таваллуд топган сана экан. Бордию учрашув ўтказилгудек бўлса, ашаддий мухлисларнинг «қутуришини» бир тасаввур қилиб кўринга.

• Халқ бадиий ижодиёти

ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

Истиқлол билан бирга юртимизга унутилган минг йиллик қадриятлар, удумлар, урф-одатлар, кўп қиррали халқ анъаналари ҳам қайтиб келди.

Ўтмиш маданиятимиз салоҳияти бугунги кунда эркинлик билан қайта бўй кўрсатмоқда. Маданий-маърифий муассасалар ва халқ ижодиёти соҳасининг минглаб жонкуярлари, бу борада бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Шу жумладан, «Алла» ижрочиларининг вилоят ва республика кўриги, тўй маросимларида ижро этиладиган қўшиқ ва айтишувлар беллашуви, мақомчилар, бахши шоирлар, катта ашула ижрочиларининг танловлари, қизиқчилар кўриги, халқ амалий санъати усталари асарларининг кўргазмалари ва бошқа тадбирларнинг ўтказилаётгани фикримизнинг исботидир.

Бу тадбирларнинг асосий мақсадларидан бири, ҳар бир ҳудудда ва вилоятнинг ўз тарихий-маданий анъаналарига хос бўлган халқ бадиий ижодиётининг барча турларини тиклашга интилиш, иқтидорли ёш истеъдодларни кашф этиш ҳамда уларнинг ижодларини кенг тарғиб қилишдир.

«Фольклор санъати бугунги кунда» мавзуидаги республика фольклор жамоалари ва дасталари раҳбарларининг бир қатор илмий-амалий анжуманлари бўлиб ўтди. Унда олимлар, вазирлик ҳамда халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар республика услубий маркази мутахассислари, фольклоршунослар шу соҳанинг бугунги аҳволи, ривожланиш йўллари ҳақида ўз фикрларини, илмий мулоҳазаларини билдиришди. Бу маросимларда Тошкент шаҳар Ғафур Ғулом номидаги маданият уйининг «Гавҳар», Булунғур туманидаги «Чавки», Бухоро шаҳридан «Моҳи ситора», Қашқадарё вилоятидан «Момогул» ва кўпгина бошқа фольклор-этнографик дасталари ўзларининг санъатларини намойиш этдилар.

Халқимизнинг севимли оммавий, миллий ижодиётининг бир тури бу сержило, жозибали рақс санъатидир. У халқимизнинг маросимлари, байрамлари, сайлларининг таркибий қисмидир. Тарихий манбалардан маълумки, рақс санъати асрлар давомида такомиллашиб, баркамол шаклларга эга бўла борган. Кишиларнинг меҳнат фаолияти ва табиатдан олган таассуротлари билан боғланган ҳолда яратилган. Бугунги кунда ҳам рақс санъати, халқ ижодига суянган ҳолда такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. «Рақс—93» республика кўрик-танлови янги раққос ва раққосаларни халқимизга танитди. Шу билан бирга, қатор ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни ҳам яққол кўрсатиб берди. Йигитлар рақсига бўлган эътиборнинг сусайиб кетиши, Хоразм, Бухоро, Фарғона рақсларини ўрганишда ҳаваскор рақс дасталари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар, уларда ўйин ҳаракатларининг бир-бирига қўшиб юборилиши ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Масъул ходимлар ва мутахассислар бугунги кунда халқ бадиий ижодиётининг барча турлари каби, ҳаваскорлик рақс санъатидаги камчиликларни бартараф этишни режа асосида амалга оширмоқдалар. Республикамизда жуда кенг нишонланадиган халқ байрамларимиз кўп. Шулар орасида «Наврўз» байрамининг алоҳида ўрин тутиши табиийдир.

«Наврўз» аслида халқимизнинг янги йили ҳисобланиб, унинг замирида гўзаллик, инсонлар ўртасида ўзаро мурувват, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва бир-бирларига меҳр-оқибатли бўлиш хислатлари мужассамдир. Бу байрамда халқимиз бадиий ижодининг деярли барча турлари кенг намоён бўлади. Қишлоқ маданий-маърифий муассасаларининг иш фаолияти ва тизимини тубдан ўзгартириш, уларни ҳақиқий маданият масканларига айлантириш, аҳолининг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш мақсадида Республика Маданият ишлари вазирлигида бир қатор маданият муассасалари билан бирга қишлоқ маданият марказлари тизимининг янги дастури яратилди. Мазкур режалар туман, шаҳар ва вилоят маданият муассасаларининг ажралмас қисми ҳисобланиб, Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида бўлмаган маданий-маърифий муассасаларни, бирлаштириб, бу соҳадаги тарқоқликка чек қўяди.

Қишлоқ маданияти маркази аҳолининг муттасил ўсиб бораётган маънавий талабларини қондиришга, тадбирларни таъсирчан, сарвияли ташкил этишга, маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник негизини яхшилашга, маданий хизмат кўрсатиш сифатини мунтазам такомиллаштириб боришга катта имкониятлар беради. Шуларни инобатга олиб вазирлигимиз ҳайъати кенгаши бу тажрибани маъқуллаб, Қишлоқ маданият маркази Низомини тасдиқлади. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб айни дамларда республикамизда қишлоқ маданият марказлари тузиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бу йил ҳам анчагина кўрик-танловлар, беллашувлар, кўргазмалар, кенгаш ва анжуманлар ўтказишни режалаштирган. Маълумки, 1994 йили ЮНЕСКО томонидан халқаро Оила йили деб эълон қилинди. Шуни инобатга олиб Шаҳрисабз шаҳрида оилавий бадиий ҳаваскорлик дасталарининг Республика кўригини ўтказамиз. Кўрик аввал туман ва шаҳарларда, сўнгра вилоятларда бўлиб ўтади. Вилоят кўригининг ғолиби бўлган оилавий бадиий жамоа Шаҳрисабздаги тадбирга йўлланма олади.

Ҳар йили халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни 1 июнда катта тантаналар ташкил қилинади. Шу кунга атаб Республика болалар ижодиётининг тасвирий санъат, рақс, қўшиқчилик ва миллий чолғу созлари ижрочиларининг танлов беллашуви бўлиб ўтади. Шунингдек, «Барҳаёт сиймолар» туркумидан Ўзбекистон халқ артистлари Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Юнус Ражабийлар нодир асарларининг ижрочилари Республика танлови бўлади. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда шу танловнинг иккинчи босқичи ўтмоқда.

Хуллас, эзгу ниятли маданият ходимлари янги йилда ҳам бой маданий меросимизни эл аро тарғиб этиб, ўзларининг серқирра ижодлари билан халқимиз қалбига меҳр-мурувват, инсонийлик, саховатлик, Ватанни севиш каби эзгу ҳиссиётларини туйиб, улар онгини маънавий бойитишга хизмат қиладилар.

Рустам ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг маданий-маърифий муассасалар ва халқ ижодиёти бошқармасининг бошлиғи.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши девони жамоаси масъул ходим М. Ибрагимовга акаси

Бахтиёр ИБРАГИМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг математика институти жамоаси бош илмий ходим, физика-математика фанлари доктори Ш. А. Ҳошимовга онаси

ТУЙМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси Ўзбекистон халқ артисти Вилоят Исаҳаровна Оқиловага умр йўлдоши

Альберт ПИНХАСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТошДУ маъмурияти ва ўзбек филологияси факультети жамоаси мумтоз адабиёт кафедрасининг мудири, профессор А. Ҳожиаҳмедовга ўғли

АЗИЗЖОНнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдуҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асилиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—687. тир. 82.747. топширилди — 23.10
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.